ГЎШТ СОТИШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

ОКТЯБРЬ социалистик революциясининг шонли 60 йиллиги тўйини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган мусобақада қатнашаётган Калинин районидаги «НАЗАРБЕК» совхозининг чорвадорлари катта ютуқларни қўлга киритишди. Улар давлатга гўшт топшириш йиллик планини муддатидан олдин ортиғи билан бажардилар. 24 тонна ўрнига 25 тонна гўшт топширилди. Гўштга сотилган ҳар бир қорамолнинг ўртача оғирлиги 430 килограммдан гўғри келди.

Хўжаликда сут топшириш ҳам жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Олти ой ичида 130 ўрнига 136 тонна серқаймоқ сут етиштирилб берилди. Моларнинг меҳр билан парвариш қилиниши туфайли кунига ҳар бир сигирдан 8,5—9 литрдан сут олинаяпти. Соғувчилар эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, зиммага олган социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 131 (5992).

7 ИЮЛЬ ПАЙШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ИККИНЧИ ЯРИМ ЙИЛ

БУТУН мамлакатимиз бўйлаб ижодий меҳнат, яратувчилик ишлари, бунёдкорлик ва ватанпарварлик ташаббуслари тобора кенг қулоч ёймоқда. Жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига чексиз садоқат, муҳаббат ҳислари билан тўлиб-тошган совет кишилари Ватан куч-қудратини ошириш, меҳнаткашлар фаровонлигини юксалтириш йўлида ҳормай-толмай, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Унинг беш йилликнинг дастлабки йили ойлари бутун қон-қардош иттифоқчи республикалар, поёнсиз Ватанимизнинг ҳар бир бурчагида бўлгани сингари областимизда ҳам ижодий кўтаринкилик, қудратли умумхалқ ҳаракатлари ва янги ташаббуслар билан бошланди. Партия ташкилотлари, хўжалик органлари омманинг булоқдек жўш ураётган олийжаноб фазилатларини қўллаб-қувватлаб, бутун эътиборни беш йиллик топшириқлар ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга қаратмоқдалар. Мана, йилимизнинг ярми тугаб, довон ошдик. Ўтган ойлар илғор корхоналарнинг, коллективлар ва хўжаликларнинг меҳнат ғалабаси билан якунланди. Саноат ва қишлоқ хўжалигида ташаббус кўрсатган ишчилар, колхозчилар ва совхоз ишчилари ўз ваъдаларига вафо қилиб, ярим йил ва 1977 йил учун олган план ва мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Эндиликда улар келгуси йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Шу нарса қувончлики, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича беш ойлик план областимизда муддатидан илгари бажарилди. Меҳнат унумдорлиги 104,4 процентни ташкил этиб планга қўшимча 53 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитида қишлоқ меҳнаткашлари мардлик ва жасорат кўрсатмоқдалар. Катта ҳаётий тажрибага эга бўлган деҳқонларимиз оқилона иш юритиб, барча моддий-техника ва ишчи ресурсларини экинлардан мўл ҳосил етиштиришга, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга сафарбар этмоқдалар. Давлатга пилла топшириш социалистик мажбурияти оширилиб бажарилди. Қўзилатиш кампанияси муваффақиятли ўтказилди. Давлатга сабзавот сотиш ва Бутуниттифоқ фондига жўнатиш бўйича ярим йиллик топшириқ ошиғи билан адо этилди. Пойтахт шаҳрининг саноатчилари социалистик мусобақада, беш йилликни муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида авангард бўлмоқдалар. Улар биринчи ярим йиллик давлат планини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари салкам 42 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Беш йиллик топшириқларини 2,5—3 йилда бажаришга қарор қилган республикамиз саноатининг 14 ва қурилишининг 15 илғор ишчилари бошлаган ташаббус издошлари сафи тобора кенгаймоқда.

Тошкент шаҳрининг мардонавор, меҳнатсевар саноатчилари юбилей йили социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш имконини беради ган қўшимча ишлаб чиқариш резервларини аниқлаш ва ишга тушириш юзасидан янги ташаббус билан майдонга чиқдилар. Ҳар бир саноат корхонаси, коллектив, цех, трест, қурилиш объектлари КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади ҳамда СССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси барча халқлар томонидан қизғин кутиб олинган шу кувончли ва серфайз кунларда социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш имкониятини беради ган қўшимча тадбирларни аниқ ва равшан белгилаб олдилар. Матбуотда Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» ва Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозларнинг уста пахтакорлари белгилаган тадбирлар эълон қилинди. Улар июль—август ойларини ғўза парваришида ва ҳосил тўплашда зарбдор ойлар деб эълон қилдилар. Шу билан бирга мўл ҳосил етиштириш учун қатор ораларнинг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш юзасидан амалий тадбирлар белгиладилар.

Юбилей йили, СССР Конституциясининг янги лойиҳаси муҳокама қилинаётган шу дамларда халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида кенг қанот ёзаётган ажойиб ташаббуслар халқимизнинг Ватан бойлиги, турмушимизнинг янада фаровон бўлиши йўлида куч-ғайратни аямай меҳнат қилаётганлигини кўрсатувчи ажойиб намуналардир.

Йилимизнинг иккинчи ярми бошланди. Қилинган ишлар, якунлар, бажарилган вазифаларни атрофлича, чуқур анализ қилар эканмиз, баъзи саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар етарли даражада самарадорлик билан ишламаётганликларини, коллективларнинг эътиборини план ва социалистик мажбуриятларни бажаришда ички имкониятлар ва қўшимча резервларни қидириб топиш ҳамда ишга солишга тўла сафарбар этмаганликларини, социалистик мусобақани уюштиришга расмиятчилик билан муносабатда бўлинаётганлигини, ташаббускорлик етарли эмаслигини кўриш мумкин. Областимиз саноатида социалистик мажбуриятларни бажаришда бир мунча орқада қолишга йўл қўйилди. Натижада 6,3 миллион сўмлик маҳсулот кам берилди. Капитал қурилиш самарадорлигини ошириш вазифалари жуда суст ҳал қилинмоқда. Беш ойлик қурилиш-монтаж ишлари плани атиги 92 процент бажарилди. Саноат ва қишлоқ қурилиши соҳасида ҳам жиддий нуқсонлар бор. Биринчи ярим йилликда фойдаланишга топширш мўлжалланган 5 та суткалик ва чорвачилик комплекслари, енгил пленкалар воситасида ишлайдиган олти гектарлик теплица фойдаланишга топширилмай қолди. Турар-жой бинолари қурилиш объектларида капитал маблағларни ўзлаштириш ёмон бормоқда. Область меҳнаткашлари 100 минг квадрат метрга яқин турар-жой, бир қатор маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектларга эга бўлолмай қолдилар. Савдо ва умумий овқатланиш органлар ишларида ҳам бир мунча қамчиликлар бор. Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш керак.

Партия, совет ташкилотлари, саноат корхоналари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ярим йиллик иш якунини муҳокама қилар эканлар, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш, юбилей йилини барча соҳалар ва тармоқлар бўйича муваффақиятли тугалланишига эришиш учун тегишли чора ва тадбирларни кўришлари лозим. План ва топшириқларни бажармай орқада қолаётган корхоналар ва хўжаликларнинг иш фаолиятини атрофлича ўрганилиб, уларнинг илғорлар сафидан ўрин олишларини таъминлаш, раҳбар ходимларнинг масъулиятини ошириш, илғор тажрибалар ва ташаббусларни кенг пропаганда қилиш керак. Қишлоқ партия ташкилотлари ва меҳнаткашлари шу кунларда ғўза парваришини янада кучайтиришлари, эрта ҳосил етиштиришга тадбирларини кўришлари, зараркунандаларга қарши кураш, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамма ерда пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўриш ғоят муҳим вазифа эканлигини унутмасликлари керак. Чорвачиликни ривожлантириш, унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, дон етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган план ва мажбуриятларни бажариш муқаддас бурч, 100 центнерни маккажўхорикорлар, 70—80 центнерни шоликорларнинг ажойиб ташаббуси ҳамманинг мулкн бўлмоғи лозим.

Юбилей йили, унинг ҳар бир куни ва ойи янги зафарларга, ажойиб ҳаракатларга янада бой бўлсин. Коммунизмнинг нурафшон чўққилари сари қолибона одним ташлаб бораверайлик.

60 ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИДА

ТОШКЕНТ лак-бўёқ заводининг коллективи мамлакатда биринчи бўлиб ғоят сифатли сариқ пигмент ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Уни тайёрлаш технологиясини Ўзбекистон пойтахтининг химиклари, Челябинск лак-бўёқ заводи ҳамда Давлат лак-бўёқ саноати лойиҳа ва тадқиқот институтининг (Москва) мутахассислари билан бирга ишлаб чиқдилар.

Республика химиклари юксак самарадор порошокнинг 20 тоннасини ураллик ҳамкасбларига жўнатдилар. Мутахассислар ўтказган тадқиқотлар Тошкент пигменти асосида тайёрланган эмаль ўзининг ранги ва маҳсулотнинг техник кўрсаткичлари юзасидан импорт ҳом ашёдан фойдаланиб ясалган маҳсулотдан қолишмаслигини кўрсатди.

Бундай бўёқ суртилган металлга на шамол, на ёмғир, на қор таъсир қила олади, юксак антикоррозиявий хоссаларга эга бўлиб, минус 50 градусдан плюс 50 градусгача температура ҳарорат бардош бера олади.

Шу йил тошкентлик химиклар истеъмолчиларга 280—300 тонна ғоят сифатли пигмент юбориш ниятидадирлар. Беш йиллик охирига бориб бундай пигмент ишлаб чиқариш 5 баравар кўпаяди. Лак-бўёқ саноати мамлакатимизда тайёрланадиган шундай хом-ашёга тамомила ўтганида халқ хўжалиги бир йилда миллион сўмдан ортиқ пул тежайдиган бўлади.

(ЎзТАГ).

Л. И. БРЕЖНЕВ АҚШ ЭЛЧИСИ М. ТУННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 5 июль куни Кремлда АҚШнинг СССРдаги элчиси М. Тунни унинг илтимосига кўра қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Л. И. Брежнев Совет Иттифокининг Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларига доир масалаларда тутган принципиал йўлини таъкидлади, бу муносабатлар тенглик, ўзаро манфаатдорлик ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик асосига қурилиши керак, деб уқтириб ўтди. Шу муносабат билан у муносабатларни ҳар икки мамлакат халқлари манфаатлари йўлида конструктив ривожлантириш ҳамда тинчликни мустаҳкамлаш мақсадларига мос бўлиб тушмаётган АҚШ сиёсатидаги бир қанча моментларга эътиборни қаратди.

Л. И. Брежнев элчи орқали АҚШ президенти Ж. Картерга мактуб йўллади, бу —президентдан олинган аввалги мактубга қайтарилган жавоб мактубидир.

В. И. ЛЕНИНГА ДЕПУТАТЛИК БИЛЕТИ

5 июль куни ўн олтинчи чақириқ Москва шаҳар совети ижроия комитетининг биринчи мажлисида Владимир Ильич Ленин номига 1-номерли депутатлик билети тантанали вазиятда ёзиб қўйилди.

1924 йилнинг февралида Москва советининг пленуми пойтахт барча меҳнаткашларининг ҳоҳиш-иродасини ифодалаб коммунистик партия ва совет давлатининг ассосчиси бўлган кишининг номини Москва совети депутатлари рўйхатида абадий қолдиришга қарор қилган эди. Анъанага мувофиқ Москва шаҳар советининг ҳар бир янги составида 1-номерли депутатлик билети доимо В. И. Ленин номига ёзиб қўйилмоқда.

Ильичнинг Москва советидаги актив депутатлик иши революция йўлбошчисининг жуда катта партиявий ва давлат ишлари соҳасидаги фаолиятининг бир қисми эди.

Москва советининг депутатлари, деб таъкидланди маҳлисда, Ленининг накозини бажара бориб, ўз вазифаларига юксак даражада виждонан қараш, Москвани намунавий коммунистик шаҳарга айлантириш тўғрисида партия кўйган вазифаларини актив равишда амалга оширишга ёрдам беришни ўзларининг бурчлари деб биладилар.

(ТАСС).



Оққўрғон районидаги К. Маркс номли колхозининг Исмат Беркинбоев бошлиқ бригадасида Абди Ҳакимов раҳбарлик қилаётган звено илғор ҳисобланади. Звено аъзолари бу йил 65 гектар май доннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар. Суратда: звено бошлиғи А. Ҳаки мов ғўзаларга ишлов бермоқда.

Х. АВВАЛОВ фотоси.

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

БЎКА. Юбилейолди вахтасида туриб меҳнат қилаётган «Партия XX съезди» колхозининг П. Ҳамдамов бошлиқ бригадаси далаларида ғўза парвариши кундан-кунга кучайтирилмоқда. Бригада аъзолари бу йил 100 гектар майдондан пландаги 35,6 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олганлар. Бу мажбуриятни бажариш йўлида дала ишлари намунали олиб бориляпти. С. Латипов, Б. Ноширов, В. Маҳсумов каби тажрибали сувчилар ғўзаларни қондириб суғоришяпти. Механизаторлардан П. Кенжаев, А. Мамановлар оби-тобига келган майдонларда навбатдаги ишлов беришни қизғиниб юборишди.

М. ТОИРОВ.

ИЛҒОР САБЗАВОТКОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети областлар, районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида давлатга сабзавот, картошка, хўл мева сотиш юзасидан социалистик мусобақанинг 1977 йил 1 июлгача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Тошкент областидаги **иҳтисослаштирилган Калинин районига** (район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Қамбаров**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ахмедов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ **Ҳайдаров**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифатини белгилаш бош давлат инспектори ўртоқ **Халилов**, район матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ **Цой**) берилди. Бу район давлатга сабзавот сотиш планини 40,6 процент, картошка сотиш планини 41,4 процент, хўл мева сотиш планини 46,5 процент бажарди.

Байроқ шу райондаги **«Партия XXI съезди» совхозига** (совхоз директори ўртоқ **Мелибоева**, партия ташкилотининг секретари **Мирзоҳидов**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Абдуллаев**) ҳам берилди. Бу совхоз давлатга сабзавот сотиш планини 51,1 процент, картошка сотиш планини 117 процент, хўл мева сотиш планини 41,5 процент бажарди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ В. И. ПОПОВНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти ҳамда геологияни ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети кафедрасининг мудири, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, профессор Владимир Иванович **Попов** Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1977 йил 5 июль.

«КОСМОС-924» УЧИРИЛДИ

1977 йил 5 июлда Совет Иттифоқида Ернинг нарбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-924» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазо тадқиқотларини давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация ҳисоб маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

КОНЧИЛАР ЮБИЛЕЙГА

МЕҲНАТ Қизил байроқ орденли «Ангрен» разрезининг кончилари октябролди зарбдор вахтасида туриб ишлаб, тобора салмоқли ютуқларни қўлга киритишяпти. Унинчи беш йилликнинг биринчи йилини юксак меҳнат зафарлари билан якунлаган агрендик кўмирчилар иккинчи йилни ҳам янада яхши натижалар билан тўгаллашга ҳаракат қилишмоқда. Бунинг учун барча резерв ва имкониятлар ишга солиняпти.

Разрез коллективи беш ойлик планни муддатидан анча илгари бажарди ва планга қўшимча минглаб тонна «қора олтин» қазиб чиқарилди. Айни кунларда разрезда иш қизғин. Бригадалараро, участкалараро авж олган социалистик мусобақа яхши самаралар бермоқда. Ўтган беш ой ичида 1-участка коллективи биринчи ўринни эгаллади. Улар пландагига қўшимча равишда 21,3 минг тонна кўмир қазиб чиқардилар. 2-участка коллективи эса планга қўшимча 18,3 минг тонна маҳсулот етказиб берди.

Кўмир ҳавзаси юзасини очиб берувчилар ҳам бўш келишмаяпти. Кон техникасини маҳорат билан ишлатиш, иш кунини иложи борича иқтисод қилиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш кабиларга эътибор бериш натижасида улар мусобақанинг олдинги сафида боришяпти. Жумладан, А. Сиропятов бошчилик қилаётган 5-участка коллективи беш ойлик план-топшириғини муддатидан роса бир ҳафта илгари бажарди ва пландагига қўшимча 150 минг куб метр очиш ишларини бажарди. Шунингдек, Л. Синицкий бошчилик қилаётган 9-участка коллективи ҳам илғорлар сафида боряпти. Улар зиммаларидаги беш ойлик топшириқни муддатидан беш кун илгари адо этдилар.

Маълумки, разрезда асосий ишларни экскаваторчилар қилишади. Улар орасида шахсий мусобақа авж олдирилган. А. Қосимов бошчилик қилаётган 94-экскаватор экипажи беш ойлик иш якунлари бўйича совринли ўринни эгаллади. Улар зиммадаги топшириқни тўрт кун илгари адо этишди ва йил бошидан буён пландагига қўшимча 70 минг куб метр очиш ишларини амалга оширдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хужа Алиқуловнинг номи фақат Ангренда эмас, балки областимиз бўйича ҳаммага таниш. Бу ветеран экскаватор-машинисти бошчилик қилаётган бригада азаматлари ҳам суръатни бўшаштирмай, илғорлар сафида боришмоқда.

— Мен разрезга келганимга роса 30 йил бўлди, — дейди ветеран кончи. — У даврларда иш шароитлари ниҳоятда оғир эди. Чунки асосий ишларнинг ҳаммаси қўл билан бажариларди. Ҳозирги техникани бундан 30 йил аввалги техника билан сон жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам мутлақо солиштириб бўлмайди. Жумладан, илгари битта экскаваторга 9 киши хизмат кўрсатарди. Ҳозир эса икки киши. Машинист ва унинг ёрдамчиси, холос. Мана шу фактнинг ўзи мисолида техникамиз ва ишлаб чиқариш ҳажми ниҳоятда ортганлигини кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, разрез ишга туширилган дастлабки йилларда кўмир қазиб чиқариш миқдори атиги бирнеча минг тоннани ташкил этарди. Ҳозирга келиб эса бу рақамлар миллион тонналар билан ўлчанади. Жумладан, ярим ўтган йилларда Оҳангарон сув омборининг қурилиши ва Оҳангарон дарёсининг ўзани бошқа томондан ўтказилиши муносабати билан разрезнинг кўмир қазиб чиқариш ҳажми деярли икки бараварга ортганда кенгайтириш ва унинг қувватини кескин даражада ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Айни кунларда октябролди зарбдор вахтаси давом этмоқда. Ўзаро социалистик мусобақа кун сайин авж оляпти. Мусобақа ғолиблари ва пешқадамлар ҳар ойда, квартал ва йил якунларида мақтовга сазовор бўляпти. Жумладан биринчи квартал якунлари бўйича асосий участкалар орасида 8-участка коллективи ғолиб деб топилди. Улар планга қўшимча равишда 8050 куб метр очиш ишларини бажаришди ва ҳар кубнинг таннархини 0,4 тийинга камайтиришди. Шунингдек, улар 7624 сўмлик материалларни тежаб қолишди. Биринчи ўринни эгаллаган бу участка коллективига кўчма Қизил байроқ ҳамда 700 сўм пул мукофоти тантанали равишда топширилди.

«Кончи» клубида бўлиб ўтган ғолибларни тақдирлаш маросимида ўнлаб коллективларга турли хил совринлар топширилди. Жумладан, социалистик мусобақада иккинчи ўринни эгаллаган саралаш участкаси коллективига 400 сўм пул мукофоти топширилди.

Сменалараро мусобақада мастер Ш. Асадулин бошчилик қилаётган 7-участка ғолиб деб топилди. Бу коллективга кўчма Вимпел ва биринчи пул мукофоти гулдурос қарсаклар садоси остида топширилди. Разрез директори Я. Гринблат самарали ва сифатли меҳнатлари учун ғолибларга миннатдорчилик изҳор қилди.

Ҳ. АЛИМОВ.

ХАШАР

ПОЙТАХТДАГИ 63-ҳунар-техника билим юртининг учинчи курс студентлари якунловчи амалий машғулотларни бошлаб юборишди. Билим юртини битириб чиқадиган 400 дан зиёд йигит-қиз бўёқчилик, сувоқчилик, дурадгорлик, пайвандчилик бўйича мустақил иш бошлайдилар. Битирувчилар ҳозирда «Главташкентстрой»нинг уй қурилиш комбинати, пардозлаш тресги сайқалчиларига яқинда ёрдам беришмоқда.

Жумладан, Пушкин кўчасида қад ростлаган тўққиз қаватли уйни пардозлаш чоғаришда билим юртининг 23 талабасидан иборат дурадгорлари 27-қурилиш бошқармасига яқиндан кўмаклашишмоқда.

— Ёшлар ҳар куни 20—22 хонага паркет пол ётқизиб баракали ишлашмоқда, — дейди прораб Анвар Қурмонов, — айниқса С. Дадаев, А. Ваҳобов, Б. Шомуқимов, И. Юнусхўжаев каби ёшларнинг ишидан хурсандмиз. Улар ишнинг сифатига эътибор бериш билан бирга мўлжалдагидан кўра анча кўп иш қилишмоқда.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ҲАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 6 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан буён.

Калинин	0,6	78,8
Пискент	2,4	75,8
Бўка	0,2	75,0
Бекобод	0,6	73,6
Оққўрғон	0,1	72,6
Ўрта Чирчиқ	0,1	72,5
Қуйи Чирчиқ	0,8	71,8
Оржоникидзе	0,3	71,1
Тошкент	—	71,0
Чиноз	0,5	68,6
Оҳангарон	0,3	68,6
Янгийўл	1,0	62,6
Юқори Чирчиқ	1,0	62,5
Бўстонлиқ	—	56,9
Область бўйича:	0,6	71,1

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА САБЗАВОТ, КАРТОШКА ВА ХЎЛ МЕВА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА ШУ ЙИЛ 6 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган; иккинчи устун — картошка; учинчи устун — хўл мева.

Оққўрғон	55,1	—	153,0
Қуйи Чирчиқ	53,0	—	35,0
Калинин	41,9	41,4	49,2
Тошкент	37,7	34,7	37,0
Янгийўл	34,2	—	42,9
Ўрта Чирчиқ	29,8	—	36,1
Оржоникидзе	25,4	55,3	32,0
Бўка	22,6	—	109,8
Юқори Чирчиқ	18,9	9,1	29,2
Бекобод	17,4	70,3	98,9
Чиноз	15,7	2,1	24,4
Бўстонлиқ	14,3	18,7	26,0
Пискент	13,8	—	59,2
Оҳангарон	9,1	16,5	47,5
Область бўйича:	28,8	30,9	39,8

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИМИЗ

Шарофат Умарова Бекобод индустрия техникумини тугатгандан сўнг тўғри корхонамизга ишга келди. Унинг меҳнат йўли бошланганига энди тўрт йил бўляпти. Лекин шу давр ичида ўзининг ажойиб ишлари билан обрў орттирди. Айтгандек, унинг отаси ҳам корхонамизда узоқ йиллар давомида ишлаб келган. Шарофат отаси ишини давом эттиришга жазм қилиб, жуда тўғри йўл тутди. Дастлаб у техника назорати бўлимида мастер бўлиб ишлади. Лекин уни бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ўзига тортар эди. Шунинг учун ҳам корхонанинг оғир ва қолоқ участкаларидан бирида ишлаш хоҳишини билдирганда розилик беришдан бошқа илож қолмади. У айланувчи печь машинистининг ёрдамчиси сифатида қисқа муддат ишлагач, машинистликни ҳам пухта ўрганиб олди ва шу касбда ишлай бошлади. Ҳозирги вақтда у аъзо бўлган смена коллективи корхонанинг энг яхши сменаларидан ҳисобланади. Шу смена аъзолари ярим йиллик пландагидан ташқари 1 минг тоннага яқин клинкер ишлаб чиқардилар. Яқинда Шарофат биринчи ҳукумат мукофоти — «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланди. Бу унинг меҳнат фаолиятига самарали таъсир кўрсатмоқда. Шарофат актив жамоатчи ҳисобланади. У қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи республика комитетининг аъзоси ҳисобланади.

Шарофат ва унга ўхшаш юзлаб ишчи аёлларнинг бахтли тақдири СССР янги Конституцияси лойиҳасининг **«СССРда хотин-қизлар эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эгадирлар»** деган 35-моддаси жуда ҳаётий ва катта сиёсий аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам давлатимиз аёлларнинг ҳар соҳада эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлаган. Айни вақтда уларнинг меҳнати ва саломатлигини муҳофаза қилиш ҳақида мунтазам қайғуради. Фақатгина бизнинг давлатимизда хотин-қизлар эркаклар билан бир қаторда билим олиш, меҳнат қилиш ва бошқа шу каби ҳуқуқларга эга бўлдилар. Уларнинг сидқидилдан қилган меҳнати доим муносиб тақдирланмоқда. Шунинг учун ҳам аёлларимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий ишларда фаол қатнашмоқдалар. Корхонамизнинг тажрибали ишчиси Александра Ивановна Воронова фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. Яқинда бекободликлар уни бир овоздан Тошкент область Совети депутатлигига сайладилар. Моҳир ишчи бундан 18 йил муқаддам қувур-шифер цехида ишлай бошлади. Орадан кўп ўтмай цемент тегирмонлари машинисти ёрдамчиси, сўнгра машинист касбини эгаллади. Воронова меҳнат қилаётган коллектив ишлаб чиқараётган тез қотувчи цементга давлат Сифат белгиси берилди. Бунда Александра Ивановна ва у билан ёнма-ён ишлаётган Х. Абдужабборова, Р. Макаренко, З. Алиева, И. Петрова ва бошқа хотин-қизларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Барча корхоналардаги каби бизнинг комбинатда ҳам хотин-қизлар меҳнати ва саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган жуда кўп чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бизнинг давлатимиз оналик ва болаликни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ҳомиладор аёллар ва оналарга ҳақ тўланадиган отпусклар ва бошқа имтиёзлар берилмоқда. Давлатимиз ёлғиз болали оналарга ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Бизда амал қилинаётган бу ва шунга ўхшаш ҳуқуқ нормаларини капиталистик мамлакатлардаги бирорта ҳам аёл ҳаёлига келтиролмайди.

Комбинатимизнинг юзлаб ишчи хотин-қизлари Совет Иттифоқининг орден ва медаллари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари, социалистик мусобақа ғолиби кўкрак нишонлари билан тақдирланганлар. Кўпгина аёллар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда техникум ва олий ўқув юртларини тугатмоқдалар, раҳбар лавозимларга кўтарилмоқдалар. Масалан, меҳнатни илмий ташкил этиш бўлимининг инженери Мўмина Қосимова ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институтини, лаборатория кимёгари Гўзал Акромова эса Тошкент политехника институтини битириб чиқдилар.

Комбинатимизга қарашли 4 та болалар боғчаси ишлаб турибди. Бу хотин-қиз ишчиларимизнинг самарали меҳнат қилишига маълум даражада ёрдам бермоқда. Аёл ишчиларимизнинг фарзандлари боғча ва яслиларда бепул тарбияланадилар. Ҳамма ҳаражатлар корхона ҳисобига бўлмоқда. Яқинда пионер лагеримизда соғломлаштириш мавсуми бошланди. Бу ерда ишчи-хизматчиларнинг 500 дан ортиқ ўғил ва қизлари ўз каникулларини мароқли ўтказадилар. Комбинатимизда профилакторий ишлаб турибди. У малакали медицина ходимлари, зарур асбоб-анжомлар ва турли хил муолажа хоналарига эга. Комбинатга қарашли клуб доим ишчи-хизматчилар билан гавжум. Физкультура ва спорт билан шуғулланувчилар учун стадион бор.

Хотин-қизларнинг комбинатимизга зўр хоҳиш, иштиёр билан келишларининг сабаблари ҳам ана шунда. Ҳозир комбинатимизда 650 га яқин аёл ишчи-хизматчилар бор. Улар цементчиларимизнинг учдан бир қисмидан кўпроғини ташкил этишади. Ҳар бир цехда маҳаллий миллат вакиллари бўлган хотин-қизларни кўриш мумкин. Улар мураккаб ишлаб чиқариш жараёнларини бошқармоқдалар, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шунинг учун ҳам ҳаётимизнинг Асосий Қонуни кенг муҳокама қилинаётган ҳозирги вақтда биз аёлларни унинг 35-моддаси жуда қизиқтирди.

Бу модда бизнинг қалбимизга жуда яқин эканлигини ифодалаш учун сўз топиш қийин. Агар уни қуйидаги жумла билан тўлдирилса, салмоғи янада ортган бўларди: **«...хотин-қизлар ўз ҳуқуқларини тўла амалга оширишларига тўсқинлик қилувчи шахсларнинг жавобгарлиги белгиланган»**. Шу нарса сир эмаски, айрим корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари хотин-қизларнинг меҳнати ва саломатлигини муҳофаза қилиш ҳақида ҳали ҳам етарлича қайғурмайдилар, уларнинг коллектив ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишларини рағбатлантирмайдилар. Раҳбарларнинг масъулияти ва жавобгарлиги оширилса бу соҳадаги камситишлар ҳам барҳам топган бўларди.

З. И. ГУНИЧЕВА,
Бекобод цемент комбинати кадрлар бўлимининг бошлиғи.



Тошкент экскаватор ремонти заводининг коллективи қишлоқ меҳнаткашларининг мададкори. Бу ерда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган кўплаб механизмлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Суратда: илғор токарь Э. Корнилов шогирди У. Бойсенов билан машғулот ўтказмоқда. М. Нуриддинов фотоси.

БАЙРАТ КЎРСАТМОҚДАЛАР

«КПСС XXV съезди» совхозининг кўплаб бўлим ва бригадаларида ғўзаларни парваришлаш юксак агротехника қоидалари асосида олиб борилмоқда. Хошимжон Туронов етакчилик қилаётган 4-бўлим ана шундай илғорлардан бири. Пахтакорлар бу йил 430 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Белгиланган марра пландаги 32,5 центнер ўрнига 40 центнердан хирмон кўтаришдир.

Ҳозирги долзарб кунларда ғўзалар барқ уриб ривожланмоқда. М. Рафиев, Э. Мақсудов, А. Бобоевлар етакчилик қилаётган бригада коллективларида ғўза қатор ораларига учинчи ишлов жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

— Пахтакорларимиз, —дейди бўлим бошлиғи Х. Туронов, —КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларини ва СССР янги Конституцияси лойиҳасини катта қизиқиш билан қарши олишди. Заршуносларимиз СССР Конституцияси лойиҳасидан бениҳоя илҳомланиб янада зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишяпти.

Ҳосил тақдири сувчи билан механизатор қўлида. Бўлимда 42 моҳир сувчи, 7 нафар механизатор фидокорона меҳнат қилмоқда. Ниҳолларга бир меъёрда «шарбат» суви оқизилмоқда. Натижада бақувват ғўзалар қийғос ҳосил тугмоқда. Ҳар куни 30—40 гектар майдондаги пайкаллар сувдан чиқариляпти. Бунда сувнинг ҳар қатрасидан оқилона фойдаланаётган миришкорлардан Ф. Зиёев, А. Ҳакимов, К. Ўтабоев кабиларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Миришкорлар чустлик сувчилар иш услуби асосида ер сув билан кўп ерни суғоришга ҳаракат қилмоқдалар. Ғўза қатор ораларига сув қўйишдан олдин ниҳоллар озиқлантириляпти.

Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришда моҳир механизаторлардан П. Суяркулов, М. Султонов, И. Отабоевлар айниқса, намуна кўрсатишяпти.

Аҳдига вафодор пахтакорлар ўз сўзлари устидан чиқишиб Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига муносиб меҳнат совғаси ҳозирлайдилар.

С. ДЕҲҚОНОВ,
Бекобод райони.

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

КОНСТИТУЦИЯ лойиҳасидаги ҳар бир модда кишилар бахт-саодати, порлоқ келажаги учун яратилган. Айниқса «СССР граждан-ларининг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» бобида бу нарса кўзга яққол ташланади. Бунда ишчилар, хизматчилар, колхозчиларнинг дам олиш ҳуқуқлари тўғрисида фикрлар батафсил баён қилинган.

Сўнгги йиллар ичида колхозлар экономикаси анча юксалди, ишлаб чиқариш маданияти ортди. Асосий оғирлик механизация зимасига юкланди. Бу кўплаб колхозчиларни қўл меҳнатидан озод этди деган сўз. Дала меҳнаткашлари меҳнат отпускаларини санаторийларда, профилакторийларда, туристик саёҳатларда дам олиш уйларида ўтказмоқдалар. Жуда кўплаб колхозларда ишнинг боришига қараб навбатма-навбат колхозчига дам бериш ҳоллари ҳам кўпайди. Шундай экан колхозчиларнинг иш вақти ва дам олиш муддатларини ҳам ишчи ҳамда хизматчиларникига тобора яқинлаштириб бориш имкони туғилмоқда. Конституция кўп йилларга мўлжалланган асосий қонун бўлганлиги учун ва бундан буён ҳам колхозчилар иш фаолияти ҳамда ҳаётида юксак ижобий ўзгаришлар содир бўлишини назарда тутиб, еттинчи боб-нинг 41-моддасидаги «Колхозчилар иш вақтининг ва дам олиш вақтининг муддати колхозларнинг уставларида белгилаб берилади» деган сатрларни «Колхозчилар иш вақти ва дам олиш вақтининг муддати колхозларнинг уставларида ишчи ва хизматчилар учун белгиланган шароитларга яқинлаштирган ҳолда белгиланади» деган тарзда ифода этилишини таклиф қиламан.

Шукур МАҲКАМОВ,
Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи.

ҒАМХЎРЛИККА ЖАВОБАН

ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДАН

Халқимиз унутилмас ва ҳаяжонли кунларни бошидан кечирмоқда. Улуғ Октябрь революциясининг 60 йиллик тўйига тайёргарлик, янги СССР Конституцияси лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига кўйилган дамларга тўғри келди. Бу эса барча меҳнаткашларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини янада жўш урдириб юборди.

КПСС Марказий Комитетининг май (1977) Пленуми қарорларини бутун совет халқи қатори, комсомол-ёшлар ҳам зўр ҳаяжон, диққат ва эътибор билан ўрганмоқдалар. Бу тарихий ҳужжат коммунизм қурилишининг олий мақсадларига хизмат қилади. Янги СССР Конституцияси лойиҳаси ленинча ғамхўрлик руҳи билан суғорилгандир.

Конституция лойиҳасида жамоат ташкилотларининг мамлакат ҳаётидаги роли акс эттирилган. Унда комсомол ташкилотининг сиёсий, хўжалик социал-маданий масалаларни ҳал этишдаги ҳуқуқи мустаҳкамлаб берилган.

Комсомол совет жамиятининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив фаолият кўрсатмоқда. Ёш ленинчиларнинг ўтган давр ичидаги кўрсатган фаолияти унинг коммунистик қурилишда мураккаб масалаларни ҳал қилиб келаётганини исботлаб турибди.

Салкам 40 йил ичида комсомол-инженерларнинг сони 22 бараварга кўпайди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг сафи ўн бараварга ошди. Ҳозир областимиздаги 96 минг ишчи, 17 минг колхозчи, 4,5 минг илмий ходим ва санъатчи, моддий неъмат ишлаб чиқараётган кишиларнинг 40 процентини комсомоллардир.

Конституция лойиҳасида ёшларга бетиним ғамхўрлик яқол сезилиб турибди. Ёшлар эса бунга жавобан зарбдор меҳнат билан жавоб бермоқдалар. Юз минглаб комсомол-ёшлар оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишмоқда. Областимиздаги 35 мингдан ортиқ йигит-қиз Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейи кунигача икки йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилган. 2 минггa яқин комсомол-ёшлар коллективлари, 1800 ёш меҳнатчи ўндан ташаббуси-ни қўллаб-қувватлаяпти. Айниқса, Тошкент, Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ район комсомол ташкилотлари ёшларнинг жанговарлик қобилиятларини тинмай ошириб бормоқда.

Область комсомол комитетининг биринчи секретари Ш. Н. Бобоев область комсомол комитетининг пленумида янги СССР Конституцияси лойиҳаси ва КПСС Марказий Комитетининг май (1977 йил) Пленуми қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади асосида келиб чиқадиган хулосалар ва область комсомол ташкилоти олдида турган вазифалар тўғрисида қилган докладида комсомол-ёшларнинг зарбдорчасига меҳнати, уларнинг Асосий қонун лойиҳасини атрофлича ўрганиб муҳокама қилаётганликлари ҳақида кенг тўхталди.

«Ижтимоий фойдали фаолиятнинг ўзи танлаб олган соҳасида ҳалол меҳнат қилиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига қаттиқ риоя қилиш меҳнатга паёқатли ҳар бир СССР гражданининг бурчи ва шарафли ишидир», —дейилади Конституция лойиҳасида.— Меҳнат,—деб давом этди докладчи,—бизнинг жамиятимизда ҳаётий эҳтиёжга айланган. Меҳнат орқали киши чиниқади, шахс ҳар томонлама камол топади. Конституция лойиҳасида эркин касб танлаш ҳақида фикр юритилади. Бу эса комсомол ташкилотлари олдига катта вазифаларни қўяди. Демак, мактаб билан ҳаётни, ишлаб чиқаришни боғлашнинг форма ва методларини янада такомиллаштириб бориш даркор. Ишлаб чиқаришдаги комсомол ташкилотлари, комсомол-ёшларнинг активлигини, ҳар бир ёшнинг шахсий масъулиятини ошириши, ижодий шароит яратиши лозим.

Янги СССР Конституцияси лойиҳасида мавжуд конституциядан фарқли янги боблар бор. Улардан бири «Социал ривожланиш ва маданият» деб аталади. Бу ҳуқуқ мамлакатимизда социалистик ва жаҳон маданиятини чуқур ўрганиш ва уни бойитиш билан боғлиқдир. Ҳозир областимизда 18 театр, 620 дан ошиқ клуб ва маданият уйлари, мингга яқин кутубхоналар комсомол-ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Комсомол ташкилотлари эса шахснинг ҳар томонлама камол топиши йўлида қатор тадбирларни амалга ошираяпти. Ҳозир 18 халқ университетида 2 минггa яқин йигит-қиз, бадиий-ҳаваскорлик тўгаракларида эса 9 минггa яқин ёш шуғулланмоқда.

Бошқа мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, яппи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш —дейилади Асосий Қонун лойиҳасида,—СССР гражданининг интернационал бурчидир». Область комсомол ташкилотининг фаолиятига назар ташланар экан, ана шу сатрлар ёшлар ҳаётида ўз ифодасини топаётганини кўриш мумкин. Область комсомол ташкилоти ўз сафига 70 дан ортиқ миллат вакилларининг фарзандларини бирлаштирган. «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси жаҳондаги 350 ёшлар ташкилоти билан алоқа қилмоқда. Областимизда 622 та интернационал дўстлик клуби бўлиб, улар чет мамлакатлардаги ёшлар ташкилотлари, Ватанимиздаги комсомол ташкилотлари билан ёзишиб туришади. Яқиндагина ўтказилган Бутуниттифоқ комсомолёшлар ҳаётида ўз ифодасини интернационализми, тинчлик ва дўстлик ғоялари тантанасининг яна бир ифодасидир. Областимиз ёшлари шанбаликда куни ҳақиқатан, зарбдорчасига меҳнат қилиб, шанбаликда йиғилган 300 минг сўм пулни ёшлар ва студентларнинг Гаванада ўтказиладиган XI жаҳон фестивали фондига ўтказишга карор қилишди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан Янгиобод шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари А. Коробейник, Тошкент районидаги Навоий номли колхозининг сут соғувчиси В. Шобобоева, Олмалиқ маиший химия заводининг оператори Н. Кувaева, Янгийўлдаги кондитер-ачитқи бирлашмасининг слесари К. Бахтибоев, Тошкент шаҳридаги 1-уйсозлик комбинати комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи М. Муртозоевлар Конституция лойиҳаси муҳокамасини кенг кўламда олиб боришда комсомол ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини оширишга алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлаб ўтишди. Ишни шундай ташкил этиш керакки, Асосий Қонуннинг моҳиятини ҳар бир ёш аъло даражада билсин. Конституция лойиҳасини пропаганда қилишда оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларнинг форма ва методларидан кўпроқ фойдаланмоқ керак, деган фикрни билдирдилар.

Пленумда Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленумда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Б. ПЎЛАТОВ.



БЕКОБОД районидаги Навоий номли колхоз чорвадорлари қишловга мўл озуқа жамғариш учун барча резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланмоқдалар. 225 гектар бедазорнинг ҳар гектаридан 150 центнердан тўйимли озуқа олиш учун курашаётган чорвадорлар ҳозир учинчи ўримни қизғин бошлаб юборишди. Суратларда: Ферма мудири Т. Абдуллаев ёш механизаторлар Н. Ҳакимов ва У. Боҳовиддинов-лар билан; ўнгда ўрим пайти. М. Қорабеков фотолари.

ҚАҲРАМОНЛАР ЁНИМИЗДА

ГАЗЕТА ТЕМАСИДА

Йил янги бошланган кезларда «Пахтакорлар овози» газетаси саҳифасида «Партия XX съезди» колхози бригада бошлиғи. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери П. Мамадовнинг «Юбилейга совғамиз бўлади» сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди.

«Ўттиз икки йилдан бери пахтачилик бригадасига етакчилик қиламан, — деб ёзади автор. — Урушдан кейинги оғир йиллар эсимизда. Техника тақчил, ҳамма ишлар қўл кучи билан бажарилади, ҳосилдорлик 13 — 15 центнердан ошмасди. Ҳозир эса бошқача манзара. Ишчи кучи ҳам, техника ва ўғит ҳам етарли. Тупроқ шароити оғир бўлган экин майдонларимиз самарадорлиги ҳам йил сайини ошиб бормоқда. Ўтган йили гектар бошига 300 центнердан каноп пояси, 32 центнердан пахта олдик. Бизнинг шароитда бу катта гап. Юбилей йилида ҳосилдорликни яна 3 центнерга оширишга қарор қилдик».

Юбилей йили Бўка районида мана шундай янги ташаббуслар билан бошланди. Орадан кўп ўтмай «Юбилейни — зафарлар билан» умумий сарлавҳаси остида «Пахтакорлар овози» кўш саҳифа эълон қилди. Унда бўкалик саккиз ватанпарвар бошлаган ташаббус ёритилди. Улар барча меҳнаткашларга очиқ хат билан мурожаат қилиб, шоҳли санани ҳар соҳада улкан меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олишга даъват этдилар. Шу тариқа хўжаликларда октябрголди мусобақаси яна ҳам қизиб кетди.

Район газетаси меҳнаткашлар орасида туғилаётган янги ташаббусларни ўз вақтида илғаб олиб, кенг пропаганда қилмоқда. Редакция летучкаларидан бирида юқори ҳосил усталари, «Октябрь 40 йиллиги» колхози бригада бошлиқлари Эргаш Бозорбоев ва Саиджаббор Сулаймонов тажрибасини оммалаштириш таклиф қилинди. Орадан кўп ўтмай ҳар иккала пахтакор редакцияга ташриф буюришди. Шу ерда қизиқарли суҳбат бўлди. Суҳбат давомида улар ўзаро мусобақа шартларини тузиб, Октябрнинг 60 йиллигига гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» ҳосили олишга қарор қилдилар. Газетанинг навбатдаги сонида мусобақадошларнинг янги марралари ва бу марраларни эгаллаш йўлида амалга ошираётган тадбирлари босилиб чиқди.

Янги ташаббуслар омманинг меҳнат ва сиёсий активлигини янада оширишда қўл келди. Район меҳнаткашлари бор имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, юбилей йилида она-Ватанга 70 минг тонна «оқ олтин», 4 минг тоннадан кўпроқ шоли, 9100 тонна маккажўхори дони, 1350 тонна гўшт, 8200 тонна сут ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришга аҳд қилдилар. 15 та бригада «оқ олтин» ҳосилдорлигини 50—60 центнерга, 16 та бригада эса 45 центнерга етказиш учун кураш бошлади. Ҳозир бутун эътибор мана шу улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажаришга қаратилган.

Газета умумхалқ курашининг байроқдори, илғор ташаббус ва тажрибаларнинг ташвиқотчиси бўляпти. Эълон қилинаётган катта-кичик материалларнинг ҳаммасида Октябрь руҳи сезилиб турибди. Газета саҳифаларида янгидан «Октябрь менинг тақдиримда», «Сўз — районимиз пешқадамларига» рубрикалари очилди. Бу рубрикалар остида берилаётган материалларнинг аксариятида ўтмиш билан бугунги бахтиёр кунимиз қиёсланган, одамлар тақдирида рўй берган улкан ўзгаришлар ҳикоя қилинган.

Газета саҳифаларини синчковлик билан кўздан кечириб чиққан кишига мана шу ютуқлар билан бирга баъзи бир нуқсонлар ҳам сезилади. Йил бошида бошланган ватанпарварлик ташаббусларининг тақдири, ташаббус ижодкорларининг ишлари ва ҳаёти газета эътиборидан четда қолаётганга ўхшайди. Ташаббус кўтариб чиққан пахтакорлар, чорвадорлар, ишчилар ўзлари олган юксак мажбуриятларни бажариш йўлида амалга ошираётган тадбирлари, қувонч ва ташвишлари ҳақида ҳикоя қилувчи материалларни учрата олмадик. Ваҳоланки, ватанпарварлар намунасида бошқаларни тарбиялаш, уларда ҳам коммунистик онгликни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор бериш керак эди.

«Сўз — районимиз пешқадамларига» деган рубрика остида берилаётган материаллар географиясини янада кенгайтириш лозим. Апрель ойида шу рубрика остида дастлабки иккита материал берилган. Лекин иккаловидан ҳам бир хўжаликдан — «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан. Материалларда пешқадамларнинг иш тажрибасини очишга эътибор берилмаган. Фақатгина ўтган йил якунларигина, бу йилги вазифалар баён этилган, холос.

Юбилей йили мажбуриятлари, мусобақа шартлари қандай бажариляпти? Газета мана шу савол билан корхона ва хўжалик раҳбарларига тез-тез мурожаат қилмайди. План ва мажбуриятларнинг ойма-ой бажарилишини назорат қилиб бориш муҳим вазифадир. Айниқса, саноат корхоналарининг бир меёрда ишлашини таъминлаш зарур. Лекин саноатчилар мусобақаси ҳақида газетада камдан-кам ёзилади.

Йилимизнинг ярми ўтиб кетди. Ўтган даврда амалга оширилган ишларни анализ қилиб, ютуқ ва нуқсонларни аниқлаб олишимиз керак. Ижобий тажрибаларни кенг ёйиш, барча соҳалар бўйича умумий юксалишни таъминлаш асосий вазифалардандир. Бу курашда газета актив пропагандист ва ташкилотчи бўлмоғи лозим.

Ж. НОСИРОВ.

УСТОЗ

Мария Теннинг «Оққўрғон» совхозидаги тикувчилар артелида иш бошлаганига 23 йилдан ортди. Авваллари ёрдамчи, сўнгра мустақил тикувчи бўлиб ишлади.

1959 йили Марияни район марказидаги тикувчилар артелига мастер қилиб тайинлашди. Меҳнатсевар аёл шу касбда самарали меҳнат қилиб, ўнлаб шогирдлар етиштирди. Марзия Бийтўраева, Ҳонимқиз Мамедова, Тамара Цой каби тикувчилар ундан касб ўрганганлиги билан фахрланишади.

Мария Тен биринчилар қатори ўзаро социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарганлардан. Бу йил дугонаси Тамара Пак билан мусобақалашган. Иш мусобақа асосида ташкил этилгани учун белгиланган топшириқлар муддатидан олдин адо этилаётир.

Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили биринчи квартал планини 130 процент қилиб адо этган. Мария пландаги 750 сўмлик ўрнига 930 сўмлик иш бажарди. Апрель ойида эса 350 сўмлик турли буюртмаларни ниҳоясига етказди. Унинг қунт, маҳорат билан тикилаётган кийим-кечаклари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Мария опа халқ ҳизматидан сира чарчамайди. Унинг учун жуда қутлуғ бўлган «Тўққизинчи беш йиллик зарбдори», «Социалистик мусобақа илғори» нишонлари билан тақдирланган. Юбилей йилида пешқадам тикувчи алоҳида гайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Т. ЗОКИРОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ

МАҚСАДИМИЗ—ТИНЧЛИК

КОНСТИТУЦИЯМИЗ лойиҳасининг 28-моддасида жаҳон қонунлар мажмуаси тарихида биринчи марта **«Урушни пропаганда қилиш СССРда қонун билан манъ этилган»** деб ёзилди. Вақти келиб бу модда барча дунё мамлакатлари учун ҳаёт қонунига айланар. Шунда планетамиздаги ҳар бир киши бу сўзлар муаллифи инсоният тарихида янги давр очган Октябрь Ватани эканлигини эслар.

1935 йил 7 ноябрда Ромен Роллан совет халқига мурожаатида Улуғ Октябрь социалистик революциясини «инсониятнинг янги куни» деб атаган эди. Чунки ҳақиқатдан ҳам бу революция инсониятнинг минг йиллаб орзу қилган, истаган, курашган мақсади — тинчликни ўзининг асосий шиорига айлантирди.

Бутунроссия Советлари II съезди Тинчлик ҳақидаги Декретни қабул қилганда В. И. Ленин бундан буён мамлакатимиз барча халқларга уруш ва тинчлик масаласида бевосита ёрдам бержагини таъкидлаб ўтди. Социализм инсоният тарихида биринчи бўлиб меҳнаткашлар оммасига халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсатига фаол таъсир кўрсатишларига шарт-шароит яратди. Буюк доҳиймиз қуролсизланишни социализм идеали, деб таърифлади ва ана шу йўлдаги курашга бош-қош бўлди. Революциянинг дастлабки кунларида эълон қилинган Тинчлик ҳақидаги Декретда жаҳонда биринчи марта тинч-тотув яшаш принциплари асосида халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ғояси илгари сурилган эди. Совет Иттифоқи иккинчи жаҳон урушидан сўнг шу кунгача, тинчлик ва қуролсизланиш бўйича 80 дан ортиқ таклифни жаҳон жамоатчилиги эътиборига ҳавола этиб, шуларни амалга ошириш бўйича улкан фаолият кўрсатди. Бу эса СССРнинг тинч-тотув яшашга қаратилган ташқи сиёсати буржуа идеологлари сафсаталарига қарама-қарши ўлароқ, тактик эмас, балки стратегик характерга эга эканлигини яққол намойиш этди, социализм ва тинчлик ўзаро узвий, ҳамбарчас тушунчалар эканлигини кўрсатди.

Асосий қонунимизда социалистик Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисидаги махсус боб ҳам биринчи бор киритилди. 31-моддада **«СССР Қуролли Кучларининг халқ олдидаги бурчи — социалистик Ватанни пухта ҳимоя қилиш, ҳар қандай агрессорга дарҳол зарба беришни гарантиялайдиган даражада доимий жанговар тайёр бўлиб туришдир»** деб таъкидланган.

Бу бежиз эмас, албатта. Икки система ўртасида кураш бораётган ҳозирги шароитда империалистик доиралар тароз палласини ўзларига ағдариш учун кескинликни кучайтириш, янги уруш ўчоқларини вужудга келтириш борасида зўр бериб уринмоқдалар. Бу соҳада АҚШ ва ГФР ҳарбий-саноат комплекси ва бошқа халқаро монополияларнинг хатти-ҳаракатлари жаҳон жамоатчилигини жиддий ташвишга солмоқда. Яқинда ўз ишини тугатган НАТО сессияси Шимолий Атлантика блокига кирувчи давлатларга ҳарбий ҳаражатларни уч процентдан кўпайтириш вазифасини юклади.

АҚШ ҳарбий-саноат комплекси ва унинг манфаатларини ифода этувчи милитаристик доиралар Совет — Америка муносабатларини яхшилаш, қуролсизланиш, тинчлик ва кескинликни юмшатишнинг тарафдорлари бўлмиш Америка меҳнаткашлари, турли ижтимоий табақалари манфаатларига қарама-қарши ўлароқ воқеалар ривожини совуқ уруш йўналишига буришга интилишмоқда. Шу мақсадда «совет хавфини» ҳақида ёлғон-яшиқ уйдирмалар тарқатишмоқда.

АҚШнинг собиқ мудофаа министри Л. Рамсфельд «Москванинг агрессив мақсадлари» деб аталмиш уйдирмани ташвиқ этиб, 1985 йилда 200 миллиардлик ҳарбий бюджетни ва янги ҳарбий программаларни режа қилмоқда. Бу режалар амалда ҳам кўринмоқда. «Рокуэл интернешнэл» компанияси В-1 маркали учта стратегик бомбардимончи самолётни ясашга киришган. «Трайдент» системасидаги биринчи атом сувости кемасини қуришга тараддуд қизғин, Қитъалараро баллистик «Минитмен 111» ракеталарини «МХ» деб аталмиш икки баробар қудратли ракеталар билан алмаштиришга ҳам киришилган. АҚШ ҳарбий-денгиз флоти эса ҳар бири 1,3 миллиард доллар турувчи биринчи зарбдор крейсерлар қуриш режасини тузмоқда. Армия эса умум қиймати 2,7 миллиард долларга тушадиган 536 та янги вертолёт сотиб олиш программасини илгари сурмоқда.

Чет эл ва Америка матбуотида катта шов-шувга сабаб бўлаётган қанотли ракеталар синови ҳам авж олмоқда. Шуни айтиш керакки, қанотли ракеталар моҳият-эътибори билан янги қурол эмас. Иккинчи жаҳон урушида фашистлар Германиясида яратилган ва Лондонни бомбардимон қилган «ФАУ-1» самолёт-снаряди худди шу қанотли ракетанинг ибтидоси эди. Урушдан кейинги йилларда АҚШда ундан мукаммалроқ стратегик мақсаддаги қанотли ракеталар ишлаб чиқарила бошланди. Орадан кўп ўтмай бу ракеталар ўрнини қитъалараро баллистик ракеталар эгаллади. Баллистик ракеталар ўз ўтмишдошларини четга чиқариб қўйди. Тезвушдан ҳам тез учувчи, баллистик траектория бўйича бир неча минглаб километр узоқликдаги ва ҳатто космик баландликдаги нишонни ҳам бехато урувчи баллистик ракеталарнинг 60 йиллар давомида тобора такомиллашган турлари вужудга келди. Қанотли ракеталар масаласига келсак, 70-йилларнинг бошларида фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари асосида уларни бутқул янгидан яратиш имкони туғилди.

Ҳозир Пентагон стратегик қанотли ракеталарнинг икки турини синовдан ўтказмоқда. Улардан бири —«Томогавк» ҳарбий-денгиз кучлари учун, иккинчиси яъни АЛКСМ — ҳарбий —ҳаво кучларига мўлжалланган ракеталардир. Уларнинг иккиси ҳам бир хилдаги турбовентилятор двигателларига ва мўлжалга олиш системасига эгадир. Содда қилиб айтганда, улар учувчисиз бошқариладиган реактив самолётлардир. Қанотли ракеталар қитъалар аро баллистик ракеталарга қарама-қарши ўлароқ атмосфера ташқарисига чиқмайди. «Томогавк» ракетаси тезлиги соатига 850—900 километрга тенг, учиш масофаси 3 минг километр бўлиб, у кемадан ё сувости кемасидан, самолётдан учирилади.

АЛКСМ ракетаси эса стратегик бомбардимончи самолётдан учирилади. Оғирлиги 800 килограмм, учиш масофаси 1800 километрдир. Бу икки ракета мураккаб электрон-ҳисоблаш аппаратураси билан жиҳозланган.

«Нью-Йорк Таймс» газетасининг хабарига кўра, эндиликда АҚШ ҳарбий-денгиз ва ҳарбий ҳаво кучлари ўзаро бирликда ягона ракета программасини ишлаб чиқишга киришган. Шу мақсадда бу икки қанотли ракеталар ишлаб чиқариш учун 403 миллион доллар ажратилган. Пентагон 1980 йилга келиб стратегик авиация қўмондонлиги учун дастлабки 40—50 қанотли ракета етказиб беришни планлаштирган. АҚШ мудофаа министрлиги 1980 йилга бориб ҳар бири 100 миллион доллар турувчи 500 га яқин «МХ» ракеталарини қуроллашишга қабул қилишни мўлжаллаган. Келгуси молия йилида улар учун 5,5 миллиард доллар сарфланади.


Президент Картер яқинда қитъалараро баллистик «Минитмен —3» ракеталарига ўрнатиладиган «МК—12 А» боеголовкаларини яппи ишлаб чиқариш ҳақидаги буйруққа имзо чекди.

Куни кеча эса президент стратегик қуролнинг энг янги тури —қанотли ракеталарни ишлаб чиқишни кенгайтиришга қарор қилганини билдирди. Қуроллаиш ишлари бўйича вакиллар палатаси комиссияси АҚШ қуролли кучлари учун янги молия йилида қуролярғлар сотиб олишга 35,9 миллиард доллар ажратишга розилик берди.

Ҳозир Пентагон иккинчи жаҳон урушидан аввалги ҳарбий бюджетига нисбатан 100 баробар ортиқ маблағга эгадир. У бош бўлган НАТО блокининг умум ҳарбий бюджети йилига 150 миллиард долларга етди. Бу бутун жаҳонда ҳарбий сарфларга кетадиган маблағнинг ярмисини ташкил этади. Ғарб мамлакатлари бугунги кунда Хиросимага ташланган атом бомбаси қудратидан 2 миллион марта кўпроқ бўлган ядро қуролига эгадир. Бу ҳам етмагандек, ҳозирда жаҳонда 400 мингдан ортиқ олим ва инженер ҳарбий қурилларни янада такомиллаштиришга оид тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ана шундай шароитда Асосий қонунимизнинг 31-моддасида ёзилган **«Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш давлатнинг энг муҳим функциясидир, бутун халқ ишидир»** деган сўзлар аввало биз, ҳарбий хизматчиларга катта масъулият юклайди.

Р. ҚОДИРОВ,
майор-инженер.



ЯНГИ ЭЛЕКТР ЛИНИЯСИ ҚУРИЛМОҚДА

БЕЛГРАД. 140 километр узунликдаги юксак вольтли электр линиясини янги участкаси фойдаланишга топширилди. У энг муҳим саноат марказлари бўлган Крагуевац ванишни Дунайдаги «Жердап» гидроэлектростанциясн билан боғлайди. Югославия «энергетика ҳалқаси»нинг барпо этилиши 1980 йилгача энергетикани ривожлантириш программасининг бир қисмидир. Бу программа муваффақият билан амалга оширилмоқда. Учта буғ электростанцияларн жами қуввати 1 миллион киловаттдан иборат «Шоштань», «Ринка» ва «Никола Тесла» станцияларн қурилиши шу йилнинг ўзида битказилади.

Болгария Халқ Республикаси. Аспар-ух кўприги мамлакатда ва умуман Шарқий-Жанубий Европада энг катта кўприк ҳисобланади. У 2040 метр узунликдадир.
В. Мастюков фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

МОСКВА КИНОФЕСТИВАЛИГА

ГАВАНА, 6 июль. (ТАСС мухбири). 1961 йилда Эскамбрай тоғларидаги контрреволюционерлар шайкаларига қарши курашни, Кубанинг олис районларида халқ ҳокимиятини барпо этишнинг қийин даврини тасвирловчи «Рио-негро» янги рангли бадиий фильмини кубалик томошабинлар ва танқидчилар саммий кутиб олдилар.

Фильм Москвада очиладиган X халқаро кинофестивалда кўрсатилади.

Биз талабчан, аммо одил совет томошабини билан учрашишни муштоқлик билан кутмоқдамиз, деди фильм ижодкорларидан бири режиссёр Мануэль Перес ТАСС мухбири билан суҳбатда. Бизнинг революциямиз тарихий яхши биладиган ҳамда Куба экономикасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун жуда кўп иш қилган совет кишилари бу фильмни тушуниб қабул қилишларига умидворман.

Бошқа фестивалларан фарқли равишда Москва Халқаро кинофестивалларида кўпгина таниқли тараққийпарвар режиссёрларнинг юксак ғоявий мазмуни ва инсонпарварлиги билан ажралиб турувчи лентлари намойиш қилинди, деб уқтирди М. Перес.

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

Жаҳон матбуоти КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси билан СССР Министрлар Совети ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг XXXI мажлиси якунлари тўғрисида Совет Иттифоқи делегациясини ҳисоботини кўриб чиқанликларини хабар қилмоқда. «Совет Иттифоқи,— деб ёзади Венгриянинг «Непсабадшаг» газетаси, ўз делегациясининг фаолиятини маъқуллагач, ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг хўжалик жиҳатидан ҳамкорлигини чуқурлаштириш учун узоқ муддатга мўлжалланган тармоқ программаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг, коммунистик ва ишчи партияларининг съездлари қўйган социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш, социалистик ҳамдўстлик моддий асосларини мустаҳкамлашнинг принципиал муҳимлигини таъкидлади». Берлинда чиқадиган «Нойес Дойчланд» газетаси ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг Варшавада бўлиб ўтган сессияси «XX асрнинг социализмга ўтиш даврини очиб берган асосий воқеаси сифатида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оламшумул — тарихий аҳамиятига баҳо беришда қардош мамлакатлар якдиллигини намойиш қилди», деб таъкидлайди.

Социалистик мамлакатларнинг кўпгина газеталари СССР Конституциясининг лойиҳасига бағишланган материалларни эълон қилишни давом эттирмоқда. Болгариянинг «Работническо дело» газетаси «Замонамизнинг катта ҳужжати» деган сарлавҳали мақоласида Совет Иттифоқининг янги Конституцияси социалистик жамият демократизмини очиқ-ойдин намойиш қилмоқда, деб ёзади.

Монголиянинг «Үнэн» газетаси «Улуғ Октябрь ва коммунистик ҳаракат» деган бош мақола берган. Унда марксизм-ленинизмнинг муваффақиятлари таълимоти ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг идеялари туфайли жаҳон коммунистик ҳаракати замонамизнинг энг мўътабар кучи бўлиб қолди, дейилади.

Польша ва Чехословакиянинг газеталари ПХР партия-ҳукумат делегациясининг ЧССРга қилган расмий дўстона визитига катта эътибор бермоқда. «Польша ва Чехословакия раҳбарларининг учрашуви — дўстлар, яхши қўшнилар ва шерикларнинг учрашувидир», деб ёзади, Варшаванинг «Трибуна людў» газетаси, «Чехословакия билан Польша халқлари бутун дунёда тараққиёт ва тинчлик учун ёнма-ён туриб курашмоқдалар, — деб ёзади Прагаиинг «Руде право» газетаси. — Уларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари Совет Иттифоқи билан яқин ҳамкорликни ҳамда социалистик давлатлар буюк оиласига мансубликни кучайтиради».

«Вашингтон пост» газетасининг мақоласида АҚШ қанотли ракеталар билан қуроллаиишга қарор қилганлигини таҳлил этиб, қуроллаиш пойгаси кучайтирилишига қарши огоҳлантиради ҳамда стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисида Совет — Америка янги битимини ишлаб чиқиш хусусида куч-қувватларни активлаштириш ғоят зарур, деб таъкидлайди.

Испанияда янги ҳукумат тузилганлиги Ғарбий Европа газеталарининг диққат марказида турибди. Францияда чиқадиган «Орор» газетасининг ёзишича, у «асосан социал-демократик қарашларга мансуб марказчилар ва экономистлардан иборат» кабинет бўлади.

Кўпгина газеталар Родезиядаги ички сиёсий аҳволга бағишланган шарҳларни босиб чиқарган. «Вашингтон пост» газетасининг эътироф этишича, бу мамлакат «Смит режимига таҳдид солаётган ғоят жиддий сиёсий тангликни бошдан кечирмоқда». Вьетнамнинг «Нян зан» газетаси ирқчиларга қарши қуролли кураш олиб бораётган Зимбабве ватанпарварлари катта муваффақиятларга эришганликларини ёзади.

Африка мамлакатларининг матбуоти Африка бирлиги ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Либревилда ўтаётган ассамблеяси ишини қизғин шарҳламоқда.

(ТАСС, 5 июль).

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

● **ПРАГА.** Бу йил Врановдаги целлюлоза-қоғоз комбинатини кенгайтириш ва модернизация қилишга юз миллион кронадан ортиқ маблағ сарфланди. Натижада комбинатнинг ишлаб чиқариш қувватлари 33 минг тоннадан 1980 йилга бориб 77 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган даражага етади.

ЧКП XV съездининг директиваларига мувофиқ республиканинг целлюлоза-қоғоз саноати ишлаб чиқариш ҳажмини 36—39 процент кўпайтирилиши лозим.

●

● **РИМ.** Италиянинг Седзе шаҳрида (Лацио области) янги фашистлар ваҳшийлик ҳаракати қилдилар. Улар бир йил муқаддам Муссолини издошлари томонидан ўлдирилган коммунист студент Луижи Дирозата ўрнатилган ҳайкални портлатиб юбордилар.

Янги фашистларнинг бу жиноияти шаҳар аҳолисини ғазаблантирди. Демократик партиялар, касаба союзлари, Седзенинг кенг жамоатчилиги намойиш ўтказиб, фашист иғвогарлар мамлакатнинг тараққийпарвар кучларини чўчита олмайдилар. Италияда кескинлик вазиятини вужудга келтира олмайдилар, деб айтишди.

●

● **АММОН.** Иордания дарёсининг ғарбий соҳилида Исроил оккупация қилиб олган энг катта шаҳарларнинг бири — Хеброн ҳарбий турмасида азоб чекиб ётган араб ватанпарварлари очлик эълон қилдилар. Улар Исроил турмачиларининг шафқатсизларча муомала қилаётганлигига қарши норозилик билдирмоқдалар, овқатнинг сифати яхшиланишини ва махбуслар зарур кийим-кечак билан таъминланишини талаб қилмоқдалар. Бузилган овқат берилганлиги сабабли заҳарланган кўпгина махбуслар госпиталга ётқизилди.

●

● **БРАЗИЛИА.** Ўтган бир йил мобайнида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва узоқ муддат фойдаланиладиган моллар нархи Бразилияда 47 процент кўтарилди. «Жорнал ду Бразил» газетасининг хабарига кўра, картошка 88 процент, ўсимлик ёғи 85 процент, қандшакар 48 процент қимматлашди. Бу йил дастлабки олти ойнинг ўзидагина Бразилиядаги нарх-наво 28 процентдан зиёд ошди.

●

● **ЛИБРЕВИЛЬ.** Империалистик давлатлар Африка жанубидаги ирқчи режимларни қўллаб-қувватлаб, қитъанинг шу қисмидаги бутун ҳокимиятни африкаликлар кўпчиликка тинч йўл билан топширишга тўсқинлик қилмоқдалар. Эфиопия муваққат ҳарбий ҳукуматининг раиси Менгисту Хайле Мариам Африка бирлиги ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг ассамблеясида шу гапни айтди. АҚШ ва унинг НАТОдаги шериклари Жанубий Африка Республикаси экономикасига капитал қўйишни кўпайтирмоқдалар, ирқчи режимлар билан ҳамкорликни кенгайтирмоқдалар, деди у.

Родезиядаги аҳволни «бартараф этиш» тўғрисидаги Англия — Америка таклифи деб аталган таклифни Менгисту Хайле Мариам Зимбабве ватанпарварларини Смит режимига ҳақиқатда таслим қилишга эришиш йўлидаги бехуда уриниш деб баҳолади.

●

● **ПЕРТ.** Австралия лейбористлар партиясининг раиси Роберт Хоук мамлакат ҳукуматининг иқтисодий сиёсатини қаттиқ танқид қилди. У партиянинг Пертда очилган съездида сўзга чиқиб, турмуш шароитларини яхшилаш ва ишсизликни камайтириш борасидаги ҳамма умидлар ҳомҳаёл бўлиб чиқди, деб таъкидлади. Бошқа бир нотиқ — Янги Жанубий Уэльс штатининг бош министри Невилл Рэн «ишсизлик — инсон ҳуқуқлари муаммосидир», деди.

Оппозициядаги лейбористлар партиясининг съезди келгуси икки йилга мўлжалланган сиёсий программани, шу жумладан 1978 йилги парламент сайлови вақтидаги ҳаракат йўлини ишлаб чиқиши лозим.



Кубада шакар-қамишни ўриб-йиғиб олиш ва қайта ишлаш мавсуми тугалланди. Кўпгина кўрсаткичлар бўйича бу йилги натижалар ўтган йилдагидан анча юқоридир. Суратда: Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги номидаги машҳур бригада мавсумда энг юқори натижага эришди.

ТАСС фотохроникаси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● **БУЭНОС-АЙРЕС.** Аргентина ҳукумати нацист ҳарбий жиноятчи Эдвард Рошманни ГФР маъмурларига тутиб беришга қарор қилганлигини эълон қилди. Э. Рошман 1941 йилдан 1944 йилгача фашистлар оккупация қилиб турган Ригада СС қўшинларига бошчилик қилган эди.

Жиноятчи 1948 йилдан бери Аргентинада яшириниб келарди. Гамбург суди одамларни қасддан ўлдирган деган айб билан Рошманни қамаш тўғрисида ордер берди.

●

● **ТОКИО.** Япония пойтахтида физика ва электр машинасозлик проблемаларига бағишланган олтинчи халқаро илмий конференция очилди. Конференциянинг 15 мамлакатдан келган 270 қатнашчиси мутахассислари физика ва электроника соҳасида олимлар эришган энг сўнгги ютуқлар ва уларни амалда қўллаш билан боғлиқ энг актуал масалаларни муҳокама қиладилар.

(ТАСС).

АЛЯСКА НЕФТИ: ЯНГИ ПРОБЛЕМАЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 5 июль. (ТАСС). 7 миллиард долларга тушган Траналяска нефть қувури фойдаланишга батамом топширилиб бўлмасданоқ янги проблемаларни вужудга келтирди. Янгилиги шуки, бундан 9 йил аввал шу қувурни қуриш тўғрисида таклиф айтилганидан бери унинг теварагидаги мунозаралар тўхтамаётир.

Аввал бошдан атроф муҳитни муҳофаза қилувчи группалар унга қарши чиқдилар. Улар нефть қувури Американинг энг шимолдаги штатининг ноёб табиатига тузатиб бўлмайдиган зарар етказиши мумкин деб ҳисобладилар. Нефть қувури ўтиши керак бўлган ер ҳуқуқлари тўғрисидаги юридик баҳслар қурилишни анча вақт тўхтатиб қўйди. Нихоят 1974 йил Аляскада ишлар бошланиб кетганди. Қурилишнинг ўзи билан боғлиқ янги-янги проблемалар вужудга келди.

Ҳар холда шу йил 20 июнда қувур нефть қабул қилиб олабошлади. Бу нефть июль ойининг охирига бориб қувурнинг жанубдаги охирги станцияси — Аляскадаги чуқур сувли Валдиз портига етиб бориши керак. Янги проблема шуки, шу нефтнинг тахминан ярмини юборадиган жой йўқ.

Аммо АҚШда нефть тақчиллиги тугатилган эмас. Кейинги йиллар мамлакатда нефть қазиб чиқариш мунтасил камайиб бормоқда ва шу ҳил ҳом ашё импортига қарамлик ошиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Қўшма Штатлар истеъмол қилаётган нефтнинг 40 процентдан кўпроғи импорт қилинмоқда. Бундан 6 йил аввал нефть импорти 3,7 миллиард долларга тушган бўлса, бултур 36 миллиард долларга чиқди. Бу йил эса мутахассисларнинг чамаларига кўра, импорт қилинадиган нефтга 45 миллиард доллар сарфланса керак. Шунинг учун ҳам АҚШ нефть билан ўзини ўзи таъминланишини яхшилаш йўлида Аляска нефтидан умидни катта эди.

Хуллас, Аляска нефтига бўлган эҳтиёж аввалгича турибди-ю, лекин Қўшма Штатлар Тинч Океан соҳилининг Аляскага яқин районида на етарлича нефтни қайта ишлаш заводлари, на уни АҚШнинг бутун территорияси орқали шарққа жўнатиш учун транспорт воситалари бор.

Бу масала қандай ҳал этилиши ҳозиргача мавхум турибди. Маҳаллий матбуот бўлса «пировард натижада нефтнинг бир қисми Японияга бориб қолиши мумкин» деб алам билан ёзади.

МУҲИМ ПРОГРАММА

РИМ. (ТАСС). Италия Компартиясининг Бош секретари Э. Берлингуэр сиёсий партиялар ўртасида мамлакатдаги ҳозирги кризисни бартараф этишга доир қўшма программа тўғрисида эришилган битимни таърифлаб, бу программавий битим Италия Компартиясига нисбатан 30 йилдан бери давом этиб келаётган камситиш даврига чек қўяди ва мамлакатнинг сиёсий ҳаётида янги палла бошланганлигини билдиради, деди. Берлингуэр Потенц шаҳридаги меҳнаткашлар митингида сўзлаган нутқида айтадики, партиялар ўртасидаги битим давлатни янгилашга ва уни кенг халқчил негизда қайта қуришга олиб бориши мумкин бўлган бирда-бир йўлнинг бошланишидир.

Шу программани ишлаб чиққан партияларнинг ҳоҳиш — иродасини ифодаловчи ҳукуматга бу программани бажариш топширилса, мантиқий иш бўлур эди деб таъкидлади Э. Берлингуэр.

МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК АСОСЛАРИ

ДЕҲЛИ, 5 июль. (ТАСС). Ҳиндистон ахборот ва радио эшиттириш министри Л. К. Адвани Деҳлида «СССР ҳозирги кунда» кўргазмасини очиш вақтида сўзлаган нутқида бизнинг мамлакатимиз билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик мустаҳкам асосларга қурилган, деди. Совет маданият уйи билан Ҳиндистон халқаро маркази биргаликда ташкил этган кўргазма пойтахт жамоатчилигини чет эл халқлари ҳаёти билан танишитириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг биринчисидир.

Ҳиндистон мустақилликка эришгандан бери ўтган 30 йил давомида мамлакатда Ҳинд — Совет муносабатлари масаласида миллий иноқлик мавжуд бўлиб келмоқда, деб таъкидлади Л. К. Адвани. Ана шу йилларнинг ҳаммаси мобайнида биз Совет Иттифоқининг ҳинд халқига ёрдам беришга тўла тайёрлигини, ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёрлигини сезиб келдик.

Яқинда Ҳиндистондаги ҳокимият бошқа партия қўлига ўтган бўлса ҳам, аммо бизнинг Совет Иттифоқи билан муносабатларимизнинг характери ўзгаргани йўқ, деди министр.

Кўргазмани очишга бағишланган тантанали маросимда ҳозир бўлган жамоатчилик намояндалари, Ҳиндистон — Совет маданий жамиятининг активлари бу йил Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини нишонлаётган советлар мамлакатининг ҳаётини тасвирловчи китоблар, фотосуратлар ва бошқа экспонатлар билан танишдилар.

ПОКИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР

ИСЛОМОБОД. 5 июль. (ТАСС). Бугун кечаси Покистонда ҳарбий тўнтариш бўлиб ўтди. Армия вакили миллий радио орқали гапириб, бош министр З. А. Бхутонинг, шунингдек ҳукуматнинг бир қанча бошқа аъзолари ва Покистон ҳукмрон халқ партияси раҳбарларининг ҳамда оппозициядаги Покистон миллий уюшмаси раҳбарларининг камоққа олинганлигини маълум қилди. Мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий этилди. Исломободдаги ҳукумат биноларини ва Равалпиндидаги аэропортни қўшинлар қўриқлаб турибди. Кунинг иккинчи ярмида миллий радио орқали армия штабининг бошлиғи генерал Муҳаммад Зиёул Ҳақ нутқ сўзлади, деб эълон қилинган. Радионинг хабар беришича, бугун— эрта у Покистон президенти Фазал Илохи Чоури ва олий суднинг бош судьяси Муҳаммад Ёқуб Али билан учрашган.

Ҳукумат билан оппозициядаги партиялар ўртасида сиёсий тангликни бартараф этиш юзасидан олиб борилган музокаралар боши берк кўчага кириб қолгандан кейин армия мамлакат устидан назорат ўрнатди.

Бу танглик оппозиция З. А. Бхутони умумий сайлов натижаларини соҳталаштиришда айблагандан кейин март ойида вужудга келган эди. Оппозиция армия назорати остида янги сайлов ўтказилишини талаб қилганди.

52 яшар Муҳаммад Зиёул Ҳақ 1945 йилдан буён ҳарбий хизматни ўтаб келаётган кишидир. У 20 йилдан кўпроқ вақт бронетанк қўшинларида хизмат қилди, сўнгра штабдаги ишларни бажарди. Зиёвул Ҳақ 1972 йилда ҳарбий трибунал раиси этиб тайинланди. Бу трибунал ҳукуматга қарши фитнада қатнашган юқори мансабдаги бир қанча офицернинг ишини кўриб чиққан эди. Зиёул Ҳақ 1976 йилда армия штабининг бошлиғи бўлди.

ФАРҒОНАЛИК САНЪАТКОРЛАРНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА фарғоналик санъаткорлар Тошкент ва пойтахт области томошабинларига ўзларининг энг яхши асарларини намойиш этишмоқда. Максим Горький номидаги ўзбек Давлат музикали драма ва комедия театрининг гастрол репертуаридан Ёнғин Мирзо ва Бахрихон Соатқуловаларнинг «41-йил зилоаси», Уйғуннинг «Парвоз», Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Шукруллонинг «Тўйдан кейинги томоша», Максим Каримовнинг «Интилганга толе ёр», фарғоналик ёш шоира ва драматург Малика Мирзаеванинг «Сўнгги фожиа» каби спектакллари ўрин олган. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Муроджон Аҳмедов, Яхёхон Мамадхонов, Солижон Аҳмедов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Таваккал Қодиров, Жалолхон Охунов ва бошқа санъаткорлар яратган образлар ҳамда улар ижросидаги концертлар томошабинларга манзур бўляпти.

Фарғоналик санъаткорларнинг гастроллари 20 июлгача давом этади.

А. ТАРТАУЛОВ.

КЛУБГА МУКОФОТ

Бу маданият ўчоғининг ишлари эндиликда иттифоқ миқёсида танилди. Ҳақиқатдан ҳам Ленин номли Тошкент электрон техника заводи ишчилари клуби фаолияти кенг йўлга қўйилган.

Бу ерда ташкил этилган халқ университети ҳам кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Унинг техника ва экономика билимлари, киносанъати каби факультетларида машғулотлар қизиқарли олиб борилаётир.

Клубнинг бу сингари яхши ишлари ижобий баҳоланди. Яқинда Москвадан корхонага хушхабар келди. Маданият ўчоғи ВЦСПС мукофотига сазовор бўлди.



Пойтахтимиздаги марказий виставка залида республика халқ амалий санъатининг энг ноёб намуналаридан ташкил топган кўргазма ишлаб турибди. У томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Суратларда: (юқоридан) В. Дудин, И. Комилов ва Э. Мухторовлар яратган санъат асарларини кўриб турибсиз.

В. Таран фотолари.

„БАХТИ БАРКАМОЛ“

ЯҚИНДА «Ёш гвардия» нашриёти журналист Жўрабой Холқосимовнинг «Бахти баркамол» номли очерклар тўпламини чоп этди. Китобчадаги очеркларнинг асосий қаҳрамонлари меҳнаткаш инсондир. Уларнинг ҳар бири ўз меҳнати, фидокорлиги, виждонан ишлаши билан кўпчиликнинг ҳурматэътиборини қозонган оддий касб эгалари, ташаббускорлардир.

Мана шулардан бири Тошкент тўқимачилик комбинатининг донгдор ишчиси тўқувчи Дилбар Қулматова.

Қалам соҳиби «Олис юлдуз» сарлавҳали очеркида ана шу истиқболи порлоқ қиз тўғрисида самимият билан ҳикоя қилади. Дилбар Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз қишлоғидан. У ўзининг бахт юлдузини Тошкентга келиб, тўқимачилик комбинатининг қучоғида ҳалол меҳнати туфайли топди.

Журналистнинг муваффақияти шундаки, у Дилбарнинг ҳаётини самимият билан тасвирлайди. Баланд-паровоз гаплардан қочиб, ҳар бир киши олисдек бўлиб кўринган ўз бахт юлдузини, иқбол юлдузини астойдил изласа топа олиши турган гаплигини фактлар ёрдами билан яққол кўрсатиб беради.

Аббос Турсунхўжаев Тошкент темирйўлчилари орасида машҳур тепловоз машинистларидан бири. У тўрт йилу бир ойда беш йиллик маррасини эгаллаган. Оғир юкли поездлар бошқариш устаси бўлган бу темирйўлчи 139 тонна дизел ёнилғиси тежади. Шунча ёнилғи билан у қатнаётган Тошкент — Ангрен маршрутида 54 оғир юкли поездни бошқариш мумкин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, моҳир темирйўлчи Аббос Турсунхўжаевнинг нурли манзилларидаги муваффақиятли очеркда қизиқарли тарзда ҳаққоний кўрсатиб берилган.

Қаламкашнинг «Мадам Матлуба» сарлавҳали очерки Собир Раҳимов район Чиғатой даҳасидаги 4-болалар поликлиникасининг ҳамшираси Матлуба Эшонхўжаевага бағишланган. Оддий совет шифокорининг заҳматкашлигига бутун олам қойил. У «СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони билан, шунингдек, Флоренс Найтингейль номидаги халқаро медаль билан тақдирланган. Англия Қизил ярим ой Лигаси маъмурияти ўзбек аёлини фидоийлиги учун шу мукофот билан тақдирлади.

Журналист Жўрабой Холқосимов ўз китобчасини «Бахти баркамол» деб яхши атабди. Биз ҳам унга очерк санъатини эгаллашда, маҳорат чўққиларига кўтарилишда баркамоллик тилаймиз.

Х. НУРИЙ,
О. АХМАДЖОНОВ.

„СИЛУЭТ“—МЕҲМОНИМИЗ

ИВАНОВО шаҳридаги «Силуэт» балл рақслари ансамбли бир ҳафта давомида Тошкент область меҳнаткашлари ҳузурида ўз санъатларини намойиш этдилар. «Силуэт» ўз ўлкасидаги бир қатор ижодий беллашувларда ғолиб чиққан.

Ивановолик меҳмонларимиз Тошкент, Чирчиқ, Ангрен шаҳарларида бўлишиб, областнинг маданий-оқартув муассасаларида ишлари билан танишдилар, Халқлар дўстлиги музейи ҳамда Давлат санъат музейларида бўлдилар. «Силуэт» ансамблига халқ ансамбли деган юксак унвон берилди.

А. ХАЙРУЛЛАЕВ,
область халқ ижоди уйи директори.

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКА САНЪАТИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг Марказий кўргазма залида Озарбайжон рассомларининг Октябрь 60 йиллигига бағишланган асарлари виставкаси очилди.

Қардош республика рассомлари ва графикларини Озарбайжоннинг бугунги куни, бой тарихи экспозицияда намойиш қилиб кўрсатилаётган кўпчилик асарларини яратишга илҳомлантирди. СССР халқ рассоми М. Г. Абдуллаевнинг «Озарбайжон далаларида» триптихи ёнида томошабинар узоқ вақт тўхтаб қоладилар. Бу асар деҳқончилик соҳасида меҳнат қилаётган кишиларни бизга далада кўрсатади. Унда машаққатли уруш йилларида далада ишлаётган аёллар ва солдатларнинг оналари; жангларда жароҳатланган деҳқоннинг тинч ҳаётга қайтиш пайти; бугунги тинчлик даврининг ҳосилини йиғиштириб олиш фурсатлари тасвирланган.

Замондошнинг — ишчи, колхозчи, санъат ва фан арбобининг қиёфаси рассомларнинг инсон қалбининг гўзаллиги, озод меҳнатнинг шодхуррамлиги тўғрисида ҳикоя қиладиган бир бутун суратлар галереясини яратишга илҳомлантирган. Озарбайжон халқ рассоми Г. А. Холиков, У. И. Керимов, К. М. Мамедов, Л. А. Файзуллаев, О. С. Содиқзода ва кўпгина бошқа моҳир рассомлар мўйқалами билан чизилган суратлар томошабинларга манзур тушди.

Ўзбекистон ССР Рассомлари союзида ЎзТАГ мухбирига хабар қилишларича, Озарбайжон усталарининг асарлари бир ой мобайнида намойиш қилиб кўрсатилади. Ўзбекистон тасвирий санъати асарларини Озарбайжонда намойиш қилиб кўрсатиш ҳам ўз навбати билан планлаштириб кўйилган. Озарбайжон пойтахти аҳолиси яқин орада ўзбек рассомларининг сураткашлик, графика ва манзарадор —тадбиқий санъати асарларидан 150 таси билан танишадилар.

Реклама ва эълонлар

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
9—10 ИЮЛЬ СОАТ 20.30 ДА
М. ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ МУЗИҚАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИ АРТИСТЛАРИНИНГ
КАТТА КОНЦЕРТИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ
МУРОДЖОН АҲМЕДОВ
ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР
ТАВАККАЛ ҚОДИРОВ, ЖАЛОЛХОН ОХУНОВ
ҚИРГИЗИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
ЕРКИНОЙ ХАТАМОВА
РЕСПУБЛИКА АСКИЯЧИЛАР КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ
ЗАИНОБИДДИН ЮСУПОВ
Лирик хушовоз хонандалар: ИСРОИЛЖОН УСМОНОВ, НАИМЖОН ХОЛБЕКОВ ВА БОШҚАЛАР.
Билетлар сотилмоқда.

Ўзбек Давлат филармонияси
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
9, 10 ИЮЛЬ СОАТ 19.30 ДА
ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР КЕЧАСИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ХАЛҚ АРТИСТИ
Гулшод ОТАБОЕВА
ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ, ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ
Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА
ҚАРФАГЕНДА БЎЛИБ ЎТГАН VIII ЖАҲОН ЕШЛАРИ ФЕСТИВАЛИНИНГ ЛАУРЕАТИ
Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ «ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИ
Солистлар: ФАХРИДДИН УМАРОВ, БАХТИЁР ТЎЛАГАНОВ, ФОТИМА БАРАТОВА, ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ, АБДИҚОДИР ЮСУПОВ, ДИЛБАР АБДУЛЛАЕВА, ЛОЛА ОҚИЛОВА, МАЛИКА АҲМЕДОВА, ГУЛНОРА АЪЗАМОВА, ШЕРҚУЗИ ҒОЗИЕВ, АБДУФАТТОҲ САИДОВ.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Музика раҳбари —Туйғун ОТАБОЕВ.
Программани МАВЛУДА ҲОЛДОРОВА олиб боради.
БИЛЕТЛАР КОНЦЕРТ ЗАЛИ КАССАСИДА СОАТ 14.00 ДАН, ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 11.00 ДАН СОТИЛАДИ.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТЕМИР ЙЎЛЛАР МИНИСТРЛИГИ
МЕТРОПОЛИТЕНЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ
ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ
Майда пул автоматларининг катта оператори ва операторлари, станция операторлари; поездларни қабул қилиш ва жўнатиш навбатчиси, автомат назорат пунктлари контролери, контакт қилиндирган изларни айланиб юрувчи ихтисослари бўйича тайёрлайдиган курсларга
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
ЕШИ 18 ДАН ОШГАН, 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.
Ўқиш муддати — 1 ой.
ЎҚИШ ДАВРИДА КАМИДА 80 СЎМ МИҚДОРИДА ТАРИФ СТАВКАСИ ТЎЛАНАДИ.
МАШҒУЛОТЛАР 25 ИЮЛДАН БОШЛАНАДИ.
Курсларни тамомлаб чиққан кишиларнинг ҳаммаси темир йўл транспорт ходимларига белгиланган барча имтиёзлардан, шу жумладан ҳар йили СССР темир йўллари бўйлаб бир марта бепул юриш ва метрополитенда бепул юриш имтиёзларидан фойдаланади.
Ходимларнинг айрим категориялари учун иш ҳақидан ташқари кечаси ишлаганлиги учун соат тариф ставкасининг 35 процента миқдорида устама ва заралрли меҳнат шароитларида ишлаганлиги учун қўшимча ҳақ тўланади, ойлик иш ҳақининг 30 процентгача бўлган миқдорда ҳар ой меҳнатга ҳақ тўлаш мукофот системаси (тариф ставкаси) кўзда тутилади.
Елғиз кишилар умумий ётоқхона билан таъминланади, оилали кишиларга белгиланган тартибда уй-жой берилади.
Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри—60, Т. Шевченко кўчаси, 44-уй. Телефон: 33-90-15.

КЛУБ ЭЪЛОНЛАРИ

«Баҳор» халқ рақс ансамблининг концерти. 22.00 —«Вақт» 22.30 — Чорвачилик — заҳбардор фронт. 22.45 —«Партком секретари» (бадиий фильм, 2-серия).

Спорт

СОВЕТ ФУТБОЛЧИЛАРИ ЯРИМ ФИНАЛДА

Шу кунларда Тунисда 19 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида биринчи жаҳон футбол чемпионати ўтказилмоқда. СССР терма командаси «Д» группасида биринчи ўринни эгаллаб, ярим финалга чиқди. Футболчиларимиз бугун Уругвай командаси билан учрашишади. Бошқа ярим финалда эса Мексика ва Бразилия командалари куч синашади.

ТБИЛИСИ ДИНАМОЧИЛАРИ ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

Ўтган куни олий лига қатнашчилари навбатдаги ўн учинчи тур ўйинларини ўтказишди. Тбилисида маҳаллий динамочилар билан пойтахт автозаводчилари ўртасидаги ўйин шу турнинг асосий матчларидан бири бўлди. Стадионга 80 мингдан зиёд томошабин тўпланди. Кейинги пайтларда олий ва биринчи лига командалари учрашувини кўргани стадионга бунчалик кўп томошабин келмаган эди. Грузин футболчилари 2:0 ҳисобида ғолиб келишди. Бу ғалабадан кейин Тбилиси динамочилари 19 очко билан чемпионатда ягона пешқадам бўлиб олишди. Пойтахтнинг икки командаси — «Динамо» ва «Локомотив» ҳисобларида эса 17 тадан очко бор. Динамочилар «Шахтёр» билан бўлган ўйинни 1:1 ҳисобида дуранг қилишди, «Локомотив» эса Бокуда «Нефтчи» билан учрашиб, бир очко қўлга киритди. Бу ўйинда ҳисоб очилмади. Шунингдек «Қайрат»нинг Киев динамочилари билан бўлган ўйини ҳам дуранг бўлиб якунланди. Ҳисоб 1:1. «Арарат» «Днепр»ни, «Зенит» эса «Заря»ни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Цюрихда Европа чемпионлари кубоги ва кубок эгалари кубоги учун даъвогар бўлган командаларнинг чек ташлаш йўли билан дастлабки рақиблари маълум бўлди. СССР чемпионлари — Москванинг «Торпедо» футболчилари Европа чемпионлари кубоги мусобақасининг биринчи ўйинини 14 сентябрда Лиссабонда «Бенфика» командаси билан ўтказади. 13 августда бўладиган финал ўйинда аниқланган СССР кубоги эгаси рақиб майдонида Мальтанинг «Ла Валетта» командаси билан учрашади. УЕФА кубоги биринчилигида Киев динамочиларининг рақиби ГФР.нинг «Эйнтрахт», Тбилиси динамочиларининг рақиби эса Италиянинг «Милан» командаси бўлади.

Учта турнирнинг дастлабки ўйинлари 14 сентябрда, такрор учрашувлар эса 28 сентябрда ўтказилади.

ЕШЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ УЙИНЛАРИ

9 июлда Минск шаҳрида Бутунittифоқ ёшлари иккинчи спорт ўйинларини байроғи кўтарилади. Ёшлар ўртасида йилимизнинг энг йирик мусобақаларидан бўлган спорт ўйинлари программасига спортнинг 27 тури киритилган бўлиб, кўпгина мусобақалар Белоруссия пойтахтида ўтказилади. Москва, Ленинград, Киев, Вильнюс ва бошқа шаҳарларда ҳам айрим турлар бўйича биринчиликлар бўлиб ўтади. Волейбол, баскетбол, сув полоси бақсларидан сўнг эркин курашчилар биринчилиги ҳам тугади. Узбекистон полвонлари ўртасида тошкентлик А. Каграманов 57 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида учинчи ўринни эгаллаб, бронза медалига сазовор бўлди. Тошкентлик Р. Аюбов бешинчи ўринни олди. Лекин командамизнинг эгаллаган умумий ўрни қувонарли эмас. 53 очко тўплаган Узбекистон полвонлари умумкоманда ҳисобида ўн биринчи бўлишди.

ИККИ ЮЛДУЗЛИ ТАНКЧИ

Эндигина ишдан қайтган Қўзи акага қизи Дилбар пешвоз чиқди.

— Дада, акамдан хат келди. — Ота қизидан мактубни олар экан, шошапиша конвертни очиб ўқий бошлади. Мана, бир йилдирки ўғли Турсунбой Совет Армияси сафида хизмат қилаяпти Қаҳрамон Брестда.

Қўзи Исаев ҳар гал ўғлидан хат олганида бехитиёр суронли уруш йилларини эслайди.

... Қўзи колхозда биринчилар қатори комсомол сафига кирди, ўз тенгдошлари билан 1930 йилларнинг охирларида биринчиларидан бўлиб трактор рулига ўтирди, колхоз меҳнаткашларининг оғирини енгил қилишга ҳисса қўшди. 1939 йилда эса уни Қизил Армия сафига хизматга чақиришди. Қизил Армиянинг 8—танк дивизияси составида Ғарбий Украина, Ғарбий Белоруссия, Бессарабия ва Шимолий Буковинани СССР составига қайта қўшишдаги озодлик юришида иштирок этди.

Қўзи Исаевга ҳарбий хизматни тугаллагани учун уйга қайтишга рухсат теккан эди. Лекин у қадрдон қишлоғига қайта олмади. Орадан бир кун ҳам ўтмай фашист босқинчилари Ватанимизга хиёнаткорона бостириб киргинликлари маълум бўлди. Қўзи Исаев барча қуролдошлари қатори Ватан ҳимоясига отланди.

Урушнинг дастлабки кунларида Қўзи Исаев хизмат қилган қисм Москва мудофаасини қопқончилари Ватанимизга хиёнаткорона бостириб киргинликлари маълум бўлди. Қўзи Исаев барча қуролдошлари қатори Ватан ҳимоясига отланди.

Урушнинг дастлабки кунларида Қўзи Исаев хизмат қилган қисм Москва мудофаасини қопқончилари Ватанимизга хиёнаткорона бостириб киргинликлари маълум бўлди. Қўзи Исаев барча қуролдошлари қатори Ватан ҳимоясига отланди.

Қалам соҳиби «Олис юлдуз» сарлавҳали очеркида ана шу истиқболи порлоқ қиз тўғрисида самимият билан ҳикоя қилади. Дилбар Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз қишлоғидан. У ўзининг бахт юлдузини Тошкентга келиб, тўқимачилик комбинатининг қучоғида ҳалол меҳнати туфайли топди.

Журналистнинг муваффақияти шундаки, у Дилбарнинг ҳаётини самимият билан тасвирлайди. Баланд-паровоз гаплардан қочиб, ҳар бир киши олисдек бўлиб кўринган ўз бахт юлдузини, иқбол юлдузини астойдил изласа топа олиши турган гаплигини фактлар ёрдами билан яққол кўрсатиб беради.

Аббос Турсунхўжаев Тошкент темирйўлчилари орасида машҳур тепловоз машинистларидан бири. У тўрт йилу бир ойда беш йиллик маррасини эгаллаган. Оғир юкли поездлар бошқариш устаси бўлган бу темирйўлчи 139 тонна дизел ёнилғиси тежади. Шунча ёнилғи билан у қатнаётган Тошкент — Ангрен маршрутида 54 оғир юкли поездни бошқариш мумкин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, моҳир темирйўлчи Аббос Турсунхўжаевнинг нурли манзилларидаги муваффақиятли очеркда қизиқарли тарзда ҳаққоний кўрсатиб берилган.

Қаламкашнинг «Мадам Матлуба» сарлавҳали очерки Собир Раҳимов район Чиғатой даҳасидаги 4-болалар поликлиникасининг ҳамшираси Матлуба Эшонхўжаевага бағишланган. Оддий совет шифокорининг заҳматкашлигига бутун олам қойил. У «СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони билан, шунингдек, Флоренс Найтингейль номидаги халқаро медаль билан тақдирланган. Англия Қизил ярим ой Лигаси маъмурияти ўзбек аёлини фидоийлиги учун шу мукофот билан тақдирлади.

Журналист Жўрабой Холқосимов ўз китобчасини «Бахти баркамол» деб яхши атабди. Биз ҳам унга очерк санъатини эгаллашда, маҳорат чўққиларига кўтарилишда баркамоллик тилаймиз.

Х. НУРИЙ,
О. АХМАДЖОНОВ.

„СИЛУЭТ“—МЕҲМОНИМИЗ

ИВАНОВО шаҳридаги «Силуэт» балл рақслари ансамбли бир ҳафта давомида Тошкент область меҳнаткашлари ҳузурида ўз санъатларини намойиш этдилар. «Силуэт» ўз ўлкасидаги бир қатор ижодий беллашувларда ғолиб чиққан.

Ивановолик меҳмонларимиз Тошкент, Чирчиқ, Ангрен шаҳарларида бўлишиб, областнинг маданий-оқартув муассасаларида ишлари билан танишдилар, Халқлар дўстлиги музейи ҳамда Давлат санъат музейларида бўлдилар. «Силуэт» ансамблига халқ ансамбли деган юксак унвон берилди.

А. ХАЙРУЛЛАЕВ,
область халқ ижоди уйи директори.

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКА САНЪАТИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг Марказий кўргазма залида Озарбайжон рассомларининг Октябрь 60 йиллигига бағишланган асарлари виставкаси очилди.

Қардош республика рассомлари ва графикларини Озарбайжоннинг бугунги куни, бой тарихи экспозицияда намойиш қилиб кўрсатилаётган кўпчилик асарларини яратишга илҳомлантирди. СССР халқ рассоми М. Г. Абдуллаевнинг «Озарбайжон далаларида» триптихи ёнида томошабинар узоқ вақт тўхтаб қоладилар. Бу асар деҳқончилик соҳасида меҳнат қилаётган кишиларни бизга далада кўрсатади. Унда машаққатли уруш йилларида далада ишлаётган аёллар ва солдатларнинг оналари; жангларда жароҳатланган деҳқоннинг тинч ҳаётга қайтиш пайти; бугунги тинчлик даврининг ҳосилини йиғиштириб олиш фурсатлари тасвирланган.

Замондошнинг — ишчи, колхозчи, санъат ва фан арбобининг қиёфаси рассомларнинг инсон қалбининг гўзаллиги, озод меҳнатнинг шодхуррамлиги тўғрисида ҳикоя қиладиган бир бутун суратлар галереясини яратишга илҳомлантирган. Озарбайжон халқ рассоми Г. А. Холиков, У. И. Керимов, К. М. Мамедов, Л. А. Файзуллаев, О. С. Содиқзода ва кўпгина бошқа моҳир рассомлар мўйқалами билан чизилган суратлар томошабинларга манзур тушди.

Ўзбекистон ССР Рассомлари союзида ЎзТАГ мухбирига хабар қилишларича, Озарбайжон усталарининг асарлари бир ой мобайнида намойиш қилиб кўрсатилади. Ўзбекистон тасвирий санъати асарларини Озарбайжонда намойиш қилиб кўрсатиш ҳам ўз навбати билан планлаштириб кўйилган. Озарбайжон пойтахти аҳолиси яқин орада ўзбек рассомларининг сураткашлик, графика ва манзарадор —тадбиқий санъати асарларидан 150 таси билан танишадилар.

ИККИ ЮЛДУЗЛИ ТАНКЧИ

га ташланди. У ҳам ўз сафдошлари билан пойтахтни душмандан ҳимоя қилишга ҳисса қўшди. Жангчиларимизнинг оммавий жасорати халқимизнинг буюк иродаси туфайли фашистлар Москва остоналарида, Сталинград ва Курск ёйида қақшатгич зарбага учради. Душманни уясигача қувиб бораётган беҳисоб жангчиларимиз орасида танкчи Қўзи Исаев бошчилигидаги экипаж ҳам бор эди.


Украинанинг Писаревка қишлоғи учун бўлган жанг айниқса Қўзи ака хотирасида яхши сақланиб қолган. Ушанда уларнинг қисми оғир жанг олдидан бир зумгина ҳордиқ учун тўхтаган эди. Танкчилар овқатланишаётганида Қўзи ҳамқишлоқ дўстини учратиб қолди. Бошқа қисм жангчиси Иброҳим Ўроздоев ҳам кўчма ошхонага келган экан. Лекин уларнинг бу учрашуви узоқ чўзилмади. Кутилмаганда душман ҳужуми бошланиб қолди. Кўпчилик ҳалок бўлди. Улар орасида Иброҳим ҳам бор эди. Ҳамқишлоқ дўстининг ўлими Қўзини қаттиқ ҳаяжонга солди. Уни қасос олишга ундади. Душманга қарши бошланган ҳужумда Қўзи Исаев бошқарган танк экипажи фашистларнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган икки пулемет точкасини яксон қилиб, унинг мудофаа чизиғини ёриб ўтди. Писаревка қишлоғи қисқа муддатда қўлга олинди. Қўзи Исаевнинг ана шу жангдаги жасорати муносиб тақдирланди. У Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди.

Танкчи Исаев фашист босқинчиларни тор-мор қилишда иштирок этиб, кетма-кет жасорат намуналарини кўрсата бошлади. Будапешт шаҳри учун бўлган жангларда эса унинг кўксини иккинчи Қизил Юлдуз ордени безади. Қўзи Исаев бошчилигидаги танкчилар экипажи Будда ва Пешт шаҳарларини боғлаб турган машҳур кўприкни олишда чинакам қаҳрамонлик кўрсатган эди.

Урушдан сўнг Қўзи ака ўзининг севимли тракторчилик касбини давом эттирди. Тинч меҳнат йилларида ҳам фидокорона меҳнати билан ҳаммасининг меҳрини қозонди. «Коммунизм» колхозида раис ўринбосари, хавфсизлик техникаси бўйича инженер бўлиб ишлади. Ҳозирги кунда колхоз гаражига бошчилик қилмоқда.

Ўғли Турсунбой мактубида жанговар ва сиёсий тайёргарликда намуна кўрсатаётганлигини, хизматни чин дилдан ado этаётганлигини ёзибди. Ветеран жангчи ўғлининг бу гапларидан мамнун жилмайиб қўйди. Шу дамда бир пайтлар ўзи жанг қилган ерларда энди ўғли совет халқининг тинч ҳаётини қўриқлаётганлигини ҳаёлидан ўтказиб, йигитлик бурчини бажараётган Турсунбойга жавоб мактуби ёзишга тутинди...

Х. МИРЗАЕВ,
Янгийўл райони.



Тошкент темир йўл вокзалида венгриялик мутахассислар электрон ёритгич информация таблоларини ўрна тишмоқда.

Табло йўловчиларни поезд ларнинг қай вақтда келиши ва жўнаши тўғрисидаги ва бошқа шу каби информация лардан хабардор қилади. Вокзалга кириладиган асосий йўлакда эса календарь соат ўрнатилмоқда. Соат аниқ вақтни кўрсатиш билан бирга число, ой ва йилни ҳам кўрсатиб туради. Сурат да: (чапдан) венгриялик мутахассислар Янош Харш, Еж еф Месарош ва Тошкент темир йўл бўлинмаси электромеханиги Владимир Мальков иш устида. Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

ИЖОДИЙ ГРУППАЛАР

Ўтган йили Тошкентда «Узградострой» ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилган эди. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ҳузурида иш олиб борайтган бу ташкилот зиммасига қатор муҳим вазифалар юклатилган.

Шаҳардаги микрорайонларнинг комплекс қурилишини амалга ошириш, йирик панелли уйлар қуришнинг илғор усулларини қўллаш борасида ҳам бирлашма кўп иш қилади. Буларни мувaффақиятли амалга ошириш мақсадида йирик мутахассислардан иборат жамоатчилик группалари тузилди.

Ижодий группалар ташаббуси билан янги лойиҳавий тадбирлар белгиланди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 —Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 —Мультфильмлар. 10.50 —Болалар учун кинопрограмма. 11.45 — Бизнинг биография, 1953 йил. 15.00 — Меҳнатинг —иқболинг. 16.00 —Жек Лондон ватанида. 16.30 — Концерт. 17.15 — Марказий болалар театрида. 17.45 —Шахмат мактаби. 18.15 «Орленок» 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм 19.25 — Фан оламида. 19.55— Жаҳон халқларининг ижоди. 20.25 —СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 20.40 —«306-иш» (бадиий фильм). 22.00 —«Вақт». 22.30 «Георг Отс ва опера». 23.35— Сузиш бўйича СССР чемпионати. 23.55 —Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 —Фильм-концерт. 11.40 «Болаликнинг сўнгги ёзи» (бадиий фильм. 2-серия). 12.45 — «Светофор» 18.30 — Физкультура ва спорт. 19.00 —Ҳужжатли фильм. 19.15 —«Зангори экран» почтаси. 19.45 — Ахборот. 20.00 —«Ижод гулшани». 21.00 —Ахборот. 21.20 «Баҳор» халқ рақс ансамблининг концерти. 22.00 —«Вақт» 22.30 — Чорвачилик — заҳбардор фронт. 22.45 —«Партком секретари» (бадиий фильм, 2-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММАСИ

19.05 —Болалар учун фильм. 19.35 — «Ҳукм қатъий (бадиий фильм. 1-серия). 20.45— Янгиликлар. 21.05 —«Кругозор». 21.35 —Математика.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Муҳаббат ёзи (катта зал), Аёл ва иблис (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Сиздан угина, биздан бугина —«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (14, 16, 18, 19.30).

Қадрсиз киши —«ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Чўзилган иш —«Москва» (14, 16, 18, 19.30).

Қочоқ киши —«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Сиздан угина, биздан бугина— «ФЕСТИВАЛЬ» (21, 22.30).

Тузоқ —ўрдак —«ХИВА» (21, 22.30).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся
БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 01530. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. 1657.